Жаҳонда пахтачиликни янада ривожлантириш учун турли тупроқ-иқлим шароитларида тизма ва навларнинг ўзгарувчанлик даражаси ва мосланувчанлик потенциални таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган интрогрессив дурагай ва тизмалар асосида истиқболли навларни яратиш, миқдорий белгиларнинг ўзгарувчанлик даражасини аниқлаш, қимматли хўжалик белгиларининг умумий фенотипик ўзгарувчанлигига генетик ва ташқи муҳит омилларининг таъсирини таҳлил қилиш, қимматли-хўжалик белгиларнинг ўзаро корреляциясини аниқлаш, тизмаларнинг популяцияларида ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик белгилар шаклланиш қонуниятларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири бўлиб, бу борада тадқиқотлар олиб бориш зарур. Мустақиллик йилларида республикаимизда турли иқлим шароитларига мос бўлган янги ғўза навларини яратиш бўйича қатор илмий ишлар бажарилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган чора тадбирлар асосида мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудлари экологик беқарор минтақалар бўлганлиги сабабли ғўзанинг стресс омиллар таъсирига чидамли навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, дурагай ва тизмаларда қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти, генотип ва атроф-муҳитнинг таъсири, уларнинг ҳосилдорлик ва бошқа қимматли-хўжалик

белгиларининг ўзаро боғлиқлиги, янги юқори мослашувчан навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари селекциясини экологик усулларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш академик Н.И.Вавилов номи билан боғлиқ. Унинг ғояларини давомчилари сифатида «экологик селекцияни» бир қатор муаммоларини ўрганиб, экологик селекциясини назарий асослаш ва самарали олиб боришнинг назарий ва илмий томондан асослаб беришган (Кильчевский ва Хотылева ҳамда Неттевичлар, 1989; 1997; 2001).

Адаптив селекция муаммоларининг ечими, генотип ва атроф муҳитнинг ўзаро таъсирини баҳолаш усулини ўрганишга асосланади. Селекционер ихтиёрида адаптивлик мосланувчанлик қобилятини баҳолашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Улар ҳам ҳисоблашнинг мураккаблик даражаси бўйича, ҳам қўлланиладиган ёндошув бўйича фарқланади (регрессион, дисперсион, кластер ва бошқ.) (Кильчевский, Хотылева, 1989).

Ahsan M.Z. ва бошқ. айтишларича, ўсимлик маҳсулдорлиги, тола индекси ҳамда ўсимликдаги кўсаклар сони белгиларида генотипик ҳамда фенотипик коэффициент вариациясини аниқлаш ниҳоят муҳим ҳисобланади. Уларнинг тажрибаларида ўсимликдаги пахта хом-ашёси ҳосили, бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони ҳамда тола индекси белгиларида юқори ирсийланиш ҳамда генетик прогресс кузатишган (Ahsan ва бошқ., 2015)

Муаллифлар, селекциянинг самарадорлиги учун генотипларни турли йилларда кузатиш зарурлигини

хулоса қилишган. Тола узунлиги, қўсак вазни ва эрта босқичнинг индекси учун генотип – атроф муҳитнинг ўзаро таъсири аҳамиятли бўлмади. Мазкур учта белгилар бўйича самарали танлаш, ташқи муҳит шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолатда олиб борилиши лозим. (Stoilova ва бошқ., 2002).

Sawan Laghari ва бошқалар генотипик ва атроф муҳит фарқланишининг ҳосилдорликка таъсири эҳтимоллигини ғўзанинг учта истиқболли - AENM-4/4/89, AEN-2/90, AENB-10/87 ва иккита тижорат NIAB-78 ва Rehmani (андоза) навларида аниқлашган. (Sawan ва бошқ., 2003).

B.T.Campbell ва M.A.Jones генотип ва атроф муҳитнинг агрономик кўрсаткичларга (ҳосилдорлик ва тола чиқими) шунингдек, тола сифатига (тола узунлиги, тола пишиқлиги *Gossypium hirsutum* L) таъсири даражасини ўрганиб баҳолаган (Campbell, Jones, 2005).

Адаптив селекциянинг муҳим йўналиши - нав ва дурагайларида юқори потенциал маҳсулдорлик билан абиотик ва биотик стрессларга чидамлилигини жамлаш бўйича мамлакатимизда (Эгамбердиева, Жўраев, 2020), (Жўраев, 2021) тадқиқотчилар ишларида ёритилган.

Бироқ, микдорий белгиларнинг намоён бўлишини турли тупроқ-иқлим шароитларда қиёсий таҳлил қилиш, дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти, генотип ва атроф-муҳитнинг таъсири, уларнинг ҳосилдорлик ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги, генотипнинг шароитлар мажмуасига жавоб бериш қобилияти, янги юқори мослашувчан навларни яратиш эса турли тупроқ-иқлим шароитларида пахта ҳосилининг барқарорлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР

Экологик синовлар 2018-2020 йилларда Ўзбекистоннинг учта ҳудудида – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида, Тошкент шаҳридан 5 км шимолий-шарқда, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, ПСУЕАИТИнинг Фарғона филиалида (Кува), шунингдек, ПСУЕАИТИнинг Қашқадарё филиалида (Касби) ўтказилди.

Тошкент вилоятида уч хил иқлим шароити кузатилиб, лекин Кеппен тажрибалар агротехникаси институт хўжалиги ва унинг филиаллари учун одатий бўлди. Тажрибалар қўйилган дала майдонларида ҳар йили оддий плуг билан 30-32 см чуқурликда кузги шудгорлаш олиб борилган. Тупроққа экиш олдида ишлов бериш, далани чизеллаш ва бороналаш билан якунланган. Экиш апрелнинг учинчи ўн кунлиги охирида ўтказилди. Экиш схемаси 60x20x1. Ёўзага гектарига 150 кг азот, 120 кг фосфор минерал ўғитлари берилди. 2-3 марта чопиқ ва 4-5 марта култивация ўтказилди.

Тажрибалар олиб борилиши учун 2018 йилда F_2 дурагайларида маҳсулдорлиги энг юқори бўлган якка

танловлар ва тизма материаллари танлаб олинди (генетик келиб чиқиши турлича бўлган 10 та тизма). Ҳар бир якка танлов учта қисмга ажратилиб, уларнинг чигитлари турли экологик ҳудудларга – республиканинг Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларига экилган.

Ушбу ҳудудлардаги селекция ишларида интрогрессив шакллар билан тола чиқими юқори хорижий селекция навлари иштирокида олинган мураккаб ва жуфт дурагайлар қўлланилган (F_2 - F_4):

$$F_2-F_4 [(F_8 \text{ Л-247} \times S-484) \times F_{15} \text{ Л-248}]$$

$$F_2-F_4 [(F_8 \text{ (Бухоро 6} \times \text{Л-h)} \times \text{Л-247}) \times (F_8 \text{ Л-247} \times S-6593)]$$

$$F_2-F_4 [(F_{15} \text{ Л-248}) \times (F_8 \text{ Л-243} \times S-2552)]$$

$$F_2-F_4 [(F_{15} \text{ Л-248}) \times S-2016]$$

Ўғзанинг *G.hirsutum* L тури Л-247 тизмаси, *G. trilobum* Skovsted ёввойи тури иштирокидаги интрогрессив шакллари асосида олинган Л-248 тизмаси ва *G. Harknessii* Brandg рудераль шакли асосида олинган Л-h тизмаси шунингдек, Бухоро-6 нави оналик шакллари сифатида хизмат қилди. Тола чиқими юқори бўлган: Paymaster Dwarf (коллекция рақами - 010930), Sls 21726 (011604), PD 6520 (011590) келиб чиқиши АҚШ, шунингек, Qualla Lot 361 (04841) ва Ruwden Lot 70 (04840) келиб чиқиши Австралия бўлган хорижий селекция навларидан оталик шакллари сифатида фойдаланилди.

Шунингдек, генетик келиб чиқиши турлича бўлган 10 та юқори авлод тизмалари ўрганилди. Андоза сифатида ўрта толали ўғзанинг Наманган-77 ва С-6524 навларидан фойдаланилди.

Тажрибалар республиканинг Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида рендомизация усулида, тўртта такрорда ўтказилди.

Бир дон қўсакдаги пахта хом - ашёси вазни, тола чиқими ва сифатини аниқлаш учун, тизмаларнинг иккинчи ва учинчи симподиал шохларининг биринчи бўғин оралиғидан 25 та қўсакдан намуналар шунингдек, F_2 ва ундан юқори авлод дурагайлари якка танловларидан қўсақлар териб олинди. Лаборатория шароитида бир дон қўсакдаги пахта хом - ашёси вазни, умумий пахта хом - ашёсининг вазнини қўсақлар сонига бўлиш билан аниқланди.

Тола сифати «HVI» ускунасида O'z DSt 604-2001 стандартига мувофиқ аниқланди.

Тола чиқими – олинган толанинг пахта хом-ашёсига нисбатининг фоизда ифодаланиши бўлиб, қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$\text{Тола чиқими} = \frac{\text{Тола вазни} \times 100\%}{\text{Пахта хом - ашёси вазни}}$$

Тола чиқими таҳлилининг аниқлиги қуйидаги формула бўйича текширилди:

$$(\text{Пахта хом - ашёси вазни} -$$

$$\text{Тола чиқими} = \frac{\text{чигит вазни}}{\text{Пахта хом - ашёси вазни}} \times 100\%$$

Арифметик ўртача қиймат ($\bar{x}$) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$\bar{x} = \frac{\sum x}{n}$$

Бунда $\bar{x}$ – алоҳида ўлчам қиймати, n – кузатишлар сони.

Ўртача квадратик оғиш (S) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$S = \frac{\sum(x-\bar{x})^2}{n-1}$$

Танланманинг ўртача хатолиги (S_x) ушбу формула бўйича аниқланди:

$$S_x = \frac{S}{n}$$

Вариация коэффиценти (V) формуласи бўйича:

$$V = \frac{S \cdot 100\%}{\bar{x}}$$

Танланма ўртачасининг нисбий хатолиги ($S_x\%$) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$S_x\% = \frac{S_x \cdot 100\%}{\bar{x}}$$

Маълумотлар Б.А.Доспехов бўйича статистик қайта ишловдан ўтказилди.

Ўзанинг қимматли хўжалик белгиларига генетик ва ташқи муҳит омилларининг таъсирини аниқлаш бўйича маълумотларни икки факторлик дисперсион услубида таҳлил қилинди (Фишер, 1958).

Бир нечта гуруҳлар орасидаги дисперсияни солиштириш учун Д.Тьюки томонидан ишлаб чиқилган

куту диаграммасидан фойдаланилди (Turkey, 1977).

НАТИЖА ВА МУНОЗАРАЛАР

Генотип ва муҳитнинг белгилар намоён бўлишига таъсири ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш мақсадида қимматли-хўжалик белгилар бўйича F_2 - F_4 дурагай комбинацияларда икки омилли дисперсион таҳлил ўтказилди. Маълумки, вегетация даврининг узунлиги об-ҳаво ва иқлим омилларига қараб ўзгариб туради. Тажрибаларда F_2 дурагайлари баҳоланганда, энг қисқа вегетация даври Қашқадарё вилоятида кузатилди ва гуруҳ бўйича ўртача 116,4 кунни ташкил этди, Фарғона вилоятидаги гуруҳда эса 117,1 кун, Тошкент вилоятида синалган дурагайлар ўртача 131,1 кунда пишган, бу маълумотлар ҳудудларнинг иқлим шароитларига мос келади (1-жадвал).

Такрорланишлар билан икки омилли дисперсион таҳлил натижасида вегетация даврининг узунлиги бўйича ўрганилган F_2 дурагай комбинациялар ўртасида аҳамиятли фарқланишлар аниқланди. Ушбу белгига энг катта таъсирни (72,4%) муҳит омили кўрсатди. Генотипнинг таъсири эса тажрибаларимизда 21,8% га тенг бўлди.

Белгининг кўрсаткичларига генотип-муҳитнинг ўзаро таъсири аҳамиятсиз (1,4%) бўлди. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши ҳам кам аҳамиятли (4,5%) эканлиги аниқланди (2-жадвал).

1-жадвал

Ўза дурагайларининг вегетация даври давомийлиги (2018 й).

Ҳудуд	Дурагай комбинациялар	n	$\bar{x}$ (кун)	S	S ²	V %
Тошкент (Салар)	$F_2 [(F_8 \text{ Л-247} \times S-484) \times F_{15} \text{ Л- 248}]$	52	129,3	2,22	4,92	1,7
	$F_2 [(F_8 \text{ (Бухара 6х Л-һ) } \times \text{ Л-247}) \times (F_8 \text{ Л-247} \times S-6593)]$	50	125,5	1,30	1,70	1,0
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times (F_8 \text{ Л-243} \times S-2552)]$	48	136,0	3,16	10,00	2,3
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times S-2016]$	56	133,8	3,30	10,92	2,5
	St. Наманган 77	51	115,8	0,30	0,10	0,3
	St. C-6524	50	114,2	0,20	0,40	0,2
Фарғона (Қува)	$F_2 [(F_8 \text{ Л-247} \times S-484) \times F_{15} \text{ Л- 248}]$	50	116,5	1,29	1,67	1,1
	$F_2 [(F_8 \text{ (Бухара 6х Л-һ) } \times \text{ Л-247}) \times (F_8 \text{ Л-247} \times S-6593)]$	45	112,0	1,60	2,70	1,5
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times (F_8 \text{ Л-243} \times S-2552)]$	48	121,5	1,29	1,67	1,1
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times S-2016]$	52	118,5	1,29	1,67	1,1
	St. Наманган 77	50	110,2	0,20	0,40	0,2
	St. C-6524	51	108,8	0,30	0,10	0,3
Қашқадарё (Қасби)	$F_2 [(F_8 \text{ Л-247} \times S-484) \times F_{15} \text{ Л- 248}]$	51	117,0	1,83	3,33	1,6
	$F_2 [(F_8 \text{ (Бухара 6х Л-һ) } \times \text{ Л-247}) \times (F_8 \text{ Л-247} \times S-6593)]$	47	109,8	1,70	2,90	1,6
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times (F_8 \text{ Л-243} \times S-2552)]$	46	118,8	0,96	0,92	0,8
	$F_2 [(F_{15} \text{ Л- 248}) \times S-2016]$	51	120,0	1,83	3,33	1,5
	St. Наманган 77	57	114,7	0,20	0,40	0,2
	St. C-6524	54	112,6	0,20	0,40	0,2

2-жадвал

F₂ дурагайларининг вегетация даври давомийлигининг дисперсион таҳлили

Вариация манбаси	SS	df	MS	F	P-қиймати	F-критик
Танлама	664,9167	3	221,6389	58,24088	6,88E-14	2,866266
Устунлар	2208,667	2	1104,333	290,1898	6,25E-23	3,259446
Ўзаро таъсир	41,33333	6	6,888889	1,810219	0,124704	2,363751
Ичида	137	36	3,805556			
Жами	3051,917	47				
Генотип	21,8%					
Атроф-муҳит	72,4%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	1,4%					
Тасодифий оғишлар	4,5%					

F₃ дурагай популяцияларида, F₂ ўсимликлари каби вегетация даврининг узунлиги бўйича ўрганилган тизмалар орасида аҳамиятли фарқланишлар аниқланди. Ушбу белгига энг катта таъсирни (39%) муҳит омили кўрсатди. Генотипнинг таъсир улуши 30% га, генотип-муҳит ўзаро таъсири – 24% га тенг бўлди. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши ҳам кам аҳамиятли (6,0%) эканлиги аниқланди.

Вегетация даврининг F₄ даги дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу тажрибада белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсири аҳамиятсиз бўлди, чунки P-қиймати 0,05 дан кам бўлди, белгига атроф-муҳит таъсири ва генотип-муҳит ўзаро таъсири ишончли бўлди ва 68,3%га (муҳит ҳиссаси) ва 19,0%га (генотип-муҳит ҳиссаси) етди. Шундай қилиб, уч йиллик тажриба маълумотлари вегетация даврининг узунлигига кўпроқ муҳит таъсир этиши, яъни ғўза етиштиришнинг географик кенглиги таъсир этиши тасдиқланди.

Тола чиқими бўйича юқори кўрсаткич, ўртача учта ҳудуд бўйича F₂ [(F₈ Л-247 x S-484) x F₁₅ Л-248] ва F₂ [(F₁₅ Л-248) x S-2016] дурагай комбинацияларда намоён бўлди, мос равишда 40,3 и 39,1 %. Қолган иккита комбинацияда тола чиқими унчалик юқори бўлмади – 36,1% ва 36,6%. Барча дурагай комбинациялари турли ҳудудларда ушбу белги бўйича барқарорлигини намоён қилишди, бу икки омилли дисперсион таҳлил маълумотлари билан ҳам тасдиқланди (3-жадвал).

Ҳудудлар бўйича гуруҳларни қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори тола чиқими Қашқадарё вилоятида қайд этилди, яъни комбинациялар бўйича ўртача 39,1%. Фарғона вилоятида тола чиқими ўртача 38,0% ва Тошкент вилоятида 37,2% тенг бўлди.

Икки омилли таҳлил тола чиқими бўйича комбинациялар орасида ва ҳудудлардаги гуруҳларда ҳам сезиларли фарқланишлар кўрсатди. Тола чиқими белгисининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсир улуши 72,0% тенг бўлди. Белгига муҳитнинг таъсири эса анча паст бўлди – 11,3%. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тола чиқими кўпроқ генетик детерминацияланган ва иккиланмасдан танлашни фенотип бўйича олиб бориш мумкин. Генотип-муҳитнинг биргаликдаги таъсирининг улуши паст (0,8%) бўлди (3-жадвал).

Тола чиқимининг вариация коэффициентлари F₃ дурагай популяцияларидаги бир хил комбинацияларда учта ҳудудларда ҳар хил бўлди. Масалан, тола чиқими белгисининг вариация коэффициенти F₃ [(F₈ Л-247 x S-484) x F₁₅ Л-248] комбинациясида энг юқори Фарғона вилоятида – 7,62% ва энг паст Қашқадарё вилоятида кузатилди. F₃ [(F₈ (Бухара 6 x Л-н) x Л-247) x (F₈ Л-247 x S-6593)] дурагай комбинацияси, бошқа дурагайларга нисбатан, энг юқори вариабелликни Тошкент вилоятида кўрсатди, энг паст эса – Фарғона вилоятида. F₃ [(F₁₅ Л-248) x (F₈ Л-243 x S-2552)] комбинациясида энг юқори вариабеллик (7,31%) Қашқадарё ҳудудида намоён бўлди ва энг паст (1,42%) Тошкент ҳудудида бўлди.

3-жадвал

F₂ дурагайларида тола чиқимининг дисперсион таҳлили

Вариация манбаси	SS	df	MS	F	P-қиймати	F-критик
Танлама	142,4015	3	47,46717	54,0483	2,07E-13	2,866266
Устунлар	22,39319	2	11,1966	12,74896	6,52E-05	3,259446
Ўзаро таъсир	1,505567	6	0,250928	0,285718	0,93993	2,363751
Ичида	31,6165	36	0,878236			
Жами	197,9168	47				
Генотип	72,0%					
Атроф-муҳит	11,3%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	0,8%					
Тасодифий оғишлар	16,0%					

Бизнинг фикримизча, бу авлодда ушбу белги бўйича популяцияларнинг гетерогенлиги юқорилигидан далолат беради.

Учта ҳудудларда синалган F_4 дурагайларнинг гуруҳлари солиштирилганда, тола чиқими кўрсаткичи бўйича улар орасида фарқланиш мавжудлиги аниқланди. Энг юқори натижа – 38,6% Фарғона ҳудудида кузатилди, энг паст – 36,6% Қашқадарё ҳудудида ва ўртача натижа – 37,6% Тошкент вилоятида олинди. Таъкидлаш керакки, турли ҳудудларда синондан ўтган комбинацияларда белгининг вариабеллиги кузатилди.

Дисперсион таҳлил юқорида қайд этилганларни тасдиқлади – генотип ва муҳит ҳам алоҳида, ҳам биргаликда тола чиқимининг ўзгарувчанлигига ишончли равишда таъсир кўрсатишди. Генотипнинг улуши анча юқори бўлиб, 40,1% ни ташкил қилди, белгининг намоён бўлишига муҳит ҳиссаси 12,6% бўлди. Генотип-муҳитнинг ўзаро таъсири 15,3% тенг бўлди.

F_2 - F_4 дурагайларда толанинг юқори ўртача ярим узунлиги, нисбий узилиш кучи, микронейр каби сифат кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Барча ўрганилган комбинацияларнинг тола узунлиги II-IV типга жавоб беради. Учала ҳудудда ҳам энг юқори кўрсаткич F_2 [(F_8 (Бухоро 6 x Л-н) x Л-247) x (F_8 Л-247 x S-6593)] дурагай комбинациясида намоён бўлди – ўртача 1,26 дюйм. F_2 [(F_8 Л-247 x S-484) x F_{15} Л- 248] ва F_2 [(F_{15} Л- 248) x S-2016] комбинацияларида учта ҳудудлар бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 1,22 дюймни ташкил этди.

F_2 дурагайларда тола узунлигини ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилинганда, ўртача тола узунлиги 1,21-1,23 дюйм оралиқда жойлашганлиги аниқланди. Ҳудудлар бўйича барча тизмалар тола узунлиги бўйича юқори барқарорликни намоён этди. Бу белгининг кучли генетик детерминацияланиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз ва бу икки омилли дисперсион таҳлил маълумотлари билан исботланган (4-жадвал).

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, тола узунлиги бўйича комбинациялар орасидаги фарқ сезиларли, бироқ гуруҳлар орасида сезиларсиз бўлди. Белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг улуши юқори бўлиб, 54,2% га етди. Шу билан бир га, муҳит тола узунлигига ишончли равишда таъсир кўрсатмади ($P > 0,05$).

F_3 дурагай популяцияларида тола узунлиги белгиси бўйича икки омилли дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, ҳудудлар бўйича дурагай комбинациялар ва танлов гуруҳлар орасида фарқланишлар сезиларли бўлди. Тола узунлиги белгисининг намоён бўлишига генотипнинг таъсир улуши 23,0%га тенг бўлди. Ушбу иккита омилларнинг белгига ўзаро таъсири катта бўлмади, деярли 1,0%. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши 37,0%га тенг бўлди.

F_4 дурагай популяцияларнинг дисперсион таҳлили тола узунлигини ўзгарувчанлигига генотипнинг (19,0%) ва муҳитнинг (12,0%) таъсири сезиларли даражада бўлганлигини кўрсатди. Генотип-муҳитнинг биргаликдаги таъсири ишончсизлиги маълум бўлди. Белгининг намоён бўлишига кўпроқ ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши (53,5%) тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича F_2 дурагай гуруҳларида толанинг нисбий узилиш кучи таққосланганда белгининг ўртача кўрсаткичлари тахминан бир хил бўлди ва 32,3-33,0 г/текс ни ташкил этди. Толанинг нисбий узилиш кучининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсир улуши жуда юқори бўлганлиги аниқланди – 82,4%. Шу билан бирга, белгига атроф-муҳитнинг таъсири сезиларсиз бўлди, чунки P -қиймати 0,05 дан юқори эканлиги қайд этилди. Ҳудудлар бўйича ўрганилган комбинацияларда нисбий узилиш кучи белгининг барқарорлиги кузатилди. Юқоридаги маълумотлар толанинг нисбий узилиш кучи реакция меъёрининг пастлигини кўрсатади (5-жадвал).

Учинчи авлодда толанинг нисбий узилиш кучи комбинациялар орасида сезиларли даражада фарқланди, ҳудудлар бўйича комбинациялар гуруҳлари орасида эса фарқлар кузатилмади. Белгига генотип таъсирининг улуши анча сезиларли бўлди – 79,0%. Генотип ва атроф-муҳитларнинг ўзаро таъсир улуши 6% ва ҳисобга олинмаган омилларнинг таъсир улуши 15%га тенг бўлди. Буларнинг ҳаммаси ушбу белгининг генетик бошқарилиши юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Энг юқори нисбий узилиш кучи, тола узунлиги белгисига ўхшаб, F_4 [(F_8 Л-247 x S-484) x F_{15} Л- 248] комбинациясида намоён бўлди ва ўртача 37,7 г/текс

4-жадвал

F_2 дурагайларда тола узунлигининг дисперсион таҳлили

Вариация манбаси	SS	df	MS	F	P-қиймати	F- критик
Танлама	0,041322	3	0,013774	18,28764	2,23E-07	2,866266
Устунлар	0,002964	2	0,001482	1,967389	0,154569	3,259446
Ўзаро таъсир	0,004825	6	0,000804	1,067768	0,399691	2,363751
Ичида	0,027115	36	0,000753			
Жами	0,076226	47				
Генотип	54,2%					
Атроф-муҳит	3,9%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	6,3%					
Тасодифий оғишлар	35,6%					

5-жадвал

F₂ дурагайларда толанинг нисбий узилиш кучининг дисперсион таҳлили

Вариация манбаси	SS	df	MS	F	P-қиймати	F- критик
Танлама	331,4006	3	110,4669	64,7504	1,41E-14	2,866266
Устунлар	3,532917	2	1,766458	1,035413	0,365413	3,259446
Ўзаро таъсир	5,93375	6	0,988958	0,57968	0,743975	2,363751
Ичида	61,4175	36	1,706042			
Жами	402,2848	47				
Генотип	82,4%					
Атроф-муҳит	0,9%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	1,5%					
Тасодифий оғишлар	15,3%					

ташкил этди. Тошкент вилоятида ушбу кўрсаткич 38,9 гк/текс га тенг бўлди. Таъкидлаш лозимки, бошқа ҳудудларда унинг узилиш кучи қолган комбинациялардан юқори бўлди – 36,4 ва 38,0 гк/текс. Икки омилли таҳлил шуни кўрсатдики, муҳит толанинг нисбий узилиш кучига ишончли равишда таъсир қилмади, чунки Р-қиймати 0,05 дан кўп бўлди. Генотип эса белгига ишончли ва юқори даражада таъсир этди. Белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг ҳиссаси 80,2% етди. Ушбу белги бўйича олдинги икки йилда ҳам ўхшаш натижалар олинган эди. Шу сабабли хулоса қилиш мумкинки, толанинг нисбий узилиш кучининг реакция меъёри паст эканлигидан муҳит шароитига боғлиқ ҳолда белгининг кучсиз ўзгарувчанлиги кузатилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Икки омилли дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, йиллар давомида F₂-F₄ дурагайларидаги ўсув даври давомийлиги ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсири аҳамиятсиз бўлиб, муҳит ҳиссаси 68,3 %, генотип-

муҳит ҳиссаси 19,0 % ни ташкил этган бўлса, интрогрессив тизмаларда эса ўсув даври давомийлиги ўзгарувчанлигига ҳам генотип, ҳам муҳитнинг сезиларли таъсири аниқланди.

2. Дисперсион таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда, генотип ва муҳит омиллари дурагайларни тола чиқими белгисига алоҳида таъсир этиш билан бир вақтда, биргаликда таъсир этганлиги ҳам маълум бўлди. Бунда генотипнинг таъсири анча юқори бўлиб 40,1%, га, муҳит омилнинг таъсири эса 12,6 % га тенг бўлди.

3. Толанинг сифат кўрсаткичлари турли тупроқ-иклим минтақаларида йиллар кесимида таҳлил қилинганда F₂-F₄ дурагайларда толанинг нисбий узилиш кучи (гк/текс) белгисига муҳит таъсири ишончли эмаслиги, генотипнинг таъсири эса ишончли равишда 80,2 % эканлиги, муҳит омилли ҳамда генотип-муҳит омилларининг биргаликдаги таъсири микронейр ўзгарувчанлигига ишончли таъсир этмаганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кильчевский А.В., Хотылева Л.В. Генотип и среда в селекции растений . Институт генетики и цитологии АН БССР.-Минск, Наука и техника. 1989 г. - С.19
2. Неттевич Э.Д. Влияние условий возделывания и продолжительности изучения на результаты оценки сорта по урожайности. Вестник РАСХН. №3.2001. С.34
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1985. - С. 351.
4. Кильчевский А.В. Экологическая селекция растений / Институт генетики и цитологии АН Беларуси, Белорусская сельскохозяйственная академия.-Минск: Технология, 1997.- С. 372.
5. Эгамбердиева С.А., Жураев С.Т. Изучение длины вегетационного периода у линий различного генетического происхождения в условиях Ташкентской, Ферганской и Кашкадарьинской областей. Генофонд и селекция растений, 2020, С. 193-196.
6. Жураев С.Т. Влияние генотипа и условий окружающей среды на выход волокна у гибридов хлопчатника различного генетического происхождения. Журнал “Актуальные проблемы современной науки”. - Москва, 2021. № 2 (119). – С. 85-89 (DOI: 10.25633/APSН.2021.02.05).
7. Фишер Р.А. Статистические методы для исследователей. Москва. Госстатиздат, 1958. - С. 267.
8. Tukey John «Exploratory Data Analysis»./ 1977
9. Stoilova, A.; Dechev, D. Genotype environment interaction and phenotypic stability of economic traits in cotton lines./ 2002. Bulg. J. Agric. Sci. 8. - P. 485–491
10. Ahsan M. Z., Majidano M. S., Bhutto H., Soomro A. W., Panhwar F. H., Channa A. R., Sial K. B. Genetic Variability, Coefficient of Variance, Heritability and Genetic Advance of Some *Gossypium hirsutum* L. Accessions./ Journal of Agricultural Science; Vol. 7, No. 2; 2015. -P.147-151.

11. Sawan Laghari, M. Mureed Kandhro, H. Munir Ahmed, M. Ali Sial and M.Z. Shad. Genotype X Environment (GxE) Interactions in Cotton (*Gossypium hirsutum* L.). GenotypesAsian Journal of Plant Sciences. 2. 2003. – P. 480-482
12. Campbell B.T., Jones, M.A. Assessment of genotype × environment interactions for yield and fiber quality in cotton performance trials. Euphytica 144, 2005. 69–78.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Эгамбердиева Саида Абдусаматовна, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Жураев Сирождидин Турдиқулович Тошкент давлат аграр университети доценти, биология фанлари доктори. E-mail: juraev.197817@mail.ru.

Поступила 28.11.2022

УДК: 621.311:621.65:621.646

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗАРОДЫША И ЭНДОСПЕРМА ПРИ ОТДАЛЕННОЙ МЕЖВИДОВОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА

ЎЎЗНИ УЎОҚ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШДА МУРТАК ВА ЭНДОСПЕРМ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

PECULIARITIES OF THE FORMATION OF THE EMBRYO AND ENDOSPERM DURING DISTANT INTERSPECIES HYBRIDIZATION OF COTTON

Даминова Диларом Магрибжановна,
кандидат биологических наук, ст. науч. сотр.

Даминова Диларом Магрибжановна,
биология фанлари номзоди, ката илмий ходим

Daminova D.M.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute

Аннотация. В статье приведены данные физиолого-цитологических исследований по изучению особенностей процесса оплодотворения, формирования зародыша и эндосперма при отдаленной межвидовой гибридизации хлопчатника. В процессе формирования отдаленного межвидового эндосперма происходит массовое многократное образование аномальных ядер, которые остаются жизнеспособными благодаря суммарному обмену веществ и только в общей цитоплазме многоядерного ценоцита. На основе проведенных исследований выявлено, что формирование многоклеточного проэмбрио глобулярного зародыша, вплоть до начала дифференциации на зачатки семядольных листочков и зачаточного корешка, и следующий этап сердечка проходили за счет функционирования вспомогательной клетки зародышевого мешка (оставшейся живой синергиды), которая увеличивалась в размерах, образуя сетчатую структуру. Однако синергида к 8-10 дню после оплодотворения деградировала. Параллельно, в то же самое время, вслед за оплодотворением у *G. hirsutum* L. в халазальной части зародышевого мешка проходит формирование эндосперма из оплодотворенного центрального ядра. При этом развивающийся зародыш обрастается развивающимся эндоспермальным мешочком, который окружен тонкой, плотной, увеличивающейся по мере роста оболочкой макроспорангия. Поэтому проникновение питательных веществ из нуцеллуса внутрь эндоспермального мешочка и, затем, к зародышу возможно только со стороны микропиле и халазы. Также выявлено, что при вступлении отдаленного межвидового эндосперма в

фазу клеткообразования, его аномальные ядра оказываются не способными к нормальному функционированию при поступлении питательных веществ через клеточные поры и плазмодесмы и, тем более, к проведению напряженных синтезов запасных питательных веществ; разбалансированность хромосомного состава ядер в общем ядерном ценоците приводит к гибели его ядер перед этапом клеткообразования и, следовательно, при переходе межвидовых зародышей на эндоспермальное питание они его лишаются, что блокирует дальнейший рост и развитие межвидовых зародышей внутри формирующегося семени.

Ключевые слова: хлопчатник, отдаленная межвидовая гибридизация, зародыш, эндосперм, пыльцевая трубка, синергида, нуцеллус, ценоцит.

Аннотация. Мақолада ғўзанинг узоқ турлараро дурагайланишида уруғланиш, муртак ва эндосперм ҳосил бўлиш жараёнининг хусусиятларини ўрганиш бўйича физиологик ва цитологик изланишларнинг маълумотлари келтирилган. Узоқ турлараро эндоспермни шакллантириш жараёнида жуда кўп аномал ядролар ҳосил бўлиб, улар умумий моддалар алмашинуви туфайли ва фақат кўп ядроли ценоцитнинг цитоплазмасида ҳаётчанлигини сақлаб қолади. Ўтказилган тадқиқотлар асосида глобуляр муртакнинг кўп ҳужайрали проэмбрио ҳосил бўлишидан, уруғпалла ва илдизчалар дифференциялланиш бошланишигача ва кейинги “юррак” босқичи муртак қопчасининг кўмакчи ҳужайрасининг (қолган тирик синергида) функциялланиш туфайли содир бўлганлиги аниқланди, унинг ҳажми катталашиб, тўр шаклдаги структурани ҳосил қилади. Бироқ, уруғлантирилгандан кейин 8-10 кун ичида синергида деградиациялашади. Параллел равишда, бир вақтнинг ўзида *G. hirsutum* L. да уруғлантирилгандан сўнг муртак ҳалтасининг ҳалазал қисмидаги уруғланган марказий ядродан эндосперм ҳосил бўлади. Бунда ривожланаётган муртак ривожланаётган эндосперм ҳалтаси билан қопланади, у эса ингичка, зич, ўсиши билан кўпаядиган макроспорангиянинг мембранаси билан ўралган. Шунинг учун озуқа моддаларининг нуцеллусдан эндосперм ҳалтачасига, кейин эса муртакга кириши фақат микропиле ва ҳалаза томондан мумкин. Шунингдек, узоқ турлараро эндосперм ҳужайра кўпайиш босқичига ўтганда, озиқ моддалар ҳужайра тешиқлари ва плазмодесмалар орқали кирганда, унинг аномал ядролари нормал фаолият кўрсата олмаслиги ва бундан ташқари, захира озуқа моддаларининг интенсив синтезини амалга ошира олмаслиги аниқланди; умумий ядро ценоцитидаги хромосомаларнинг таркибининг мувозанат йўқлиги унинг магизларининг ҳужайра кўпайиш босқичидан олдин нобуд бўлишига олиб келади ва шунинг учун турлараро муртаклар эндосперм орқали озиқланишига ўтганда, озуқа уларга етиб бормади, бу эса шаклланаётган турлараро уруғни ичидаги муртакнинг кейинги ўсиш ва ривожланишини блокировка қилади.

Калит сўзлар: ғўза, узоқ турлараро дурагайлаш, муртак, эндосперм, чанг найчаси, синергида, нуцеллус, ценоцит.

Annotation. The article presents the data of physiological and cytological studies on the study of the features of the process of fertilization, the formation of the embryo and endosperm in the distant interspecific hybridization of cotton. In the process of formation of a distant interspecific endosperm, massive multiple formation of abnormal nuclei occurs, which remain viable due to the total metabolism and only in the common cytoplasm of a multinucleated cenocyte. On the basis of the conducted studies, it was revealed that the formation of a multicellular proembryo globular embryo, up to the beginning of differentiation into the rudiments of the cotyledon leaves and the rudimentary root, and the next stage of the heart took place due to the functioning of the auxiliary cell of the embryo sac (the remaining living synergy), which increased in size, forming a reticulate structure. However, synergid degraded by 8-10 days after fertilization. In parallel, at the same time, after fertilization in *G. hirsutum* L., endosperm is formed from the fertilized central nucleus in the chalazal part of the embryo sac. At the same time, the developing embryo is overgrown with a developing endosperm sac, which is surrounded by a thin, dense membrane of macrosporangium that increases with growth. Therefore, the penetration of nutrients from the nucellus into the endosperm sac and then to the embryo is possible only from the side of the micropyle and chalase. It was also found that when a distant interspecies endosperm enters the phase of cell formation, its abnormal nuclei are unable to function normally when nutrients enter through cell pores and plasmodesmata and, moreover, to carry out intensive synthesis of reserve nutrients; the imbalance of the chromosomal composition of the nuclei in the common nuclear cenocyte leads to the death of its nuclei before the stage of cell formation and, therefore, when interspecific embryos switch to endosperm nutrition, they lose it, which blocks further growth and development of interspecific embryos inside the forming seed.

Key words: cotton, distant interspecific hybridization, embryo, endosperm, pollen tube, synergid, nucellus, cenocyte.

ВВЕДЕНИЕ

На современном этапе у хлопчатника в результате интенсивной селекции практически использован видовой генетический потенциал близких аллотетраплоидных видов *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L., у которых в ходе длительного культивирования утрачены многие ценные гены диких сородичей. Как

доказано теоретическими и практическими работами по хлопчатнику (Мирахмедов, 1974; 1987; Абдуллаев, 1974; Абдуллаев, Омельченко, 1975; Абдуллаев и др., 2005; Азизходжаев, Кандимов, 1990; Рахманкулов и др., 2009; Эгамбердиев, Эгамбердиева, 2009; Алиходжаева и др., 2012; Семенихина и др., 2016; Халикова и др., 2017; Эрнazarова и др., 2017), дикие

и рудеральные формы культивируемых видов и исконо дикие виды хлопчатника обладают многими, недостающими культивируемым сортам, признаками, обусловленными генами и генными комплексами, такими как скороспелость, засухоустойчивость, листопадность, иммунитет к болезням, устойчивость к сельхоз вредителям, уникально высокое качество волокна (крепость, тонины, шелковистость) и др.

К настоящему времени доказано наличие у известных диких диплоидных видов хлопчатника хозяйственно ценных генов и генных комплексов устойчивости к разнообразным биотическим и абиотическим экстремальным факторам среды. Однако, при межвидовой гибридизации аллотетраплоидных культивируемых видов хлопчатника с дикими диплоидными видами, даже в случае получения вполне жизнеспособных гибридных растений первого поколения, в результате неслаженного взаимодействия генов отдаленных родительских видов возникают препятствия при распределении хромосом в мейозе, из-за чего происходит образование гамет с несбалансированным числом хромосом и возникает пониженная жизнеспособность гибридов или их полная стерильность. Нарушения мейоза, возникающие у межвидовых гибридов хлопчатника, обусловлены проявлением барьера несовместимости.

В широком понятии барьер несовместимости – это невозможность или препятствия к объединению гамет организмов разных видов (подродов, родов, семейств) при их скрещивании, выработанные в процессе эволюционной дивергенции или межвидовой изоляции, сроком (по палеонтологическим данным) не менее 2-4 млн. лет.

В связи с вышесказанным, целью данных исследований являлось цитологическое изучение особенностей роста пыльцевых трубок, формирование зародыша и эндосперма у материнского вида *G. hirsutum* L. и при образовании отдаленных межвидовых гибридных семян F_0 поколения.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Опыты проводились в НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка. Скрещивания между отдаленными разнохромосомными видами велись по общепринятой методике. Обработка завязей при разнохромосомной гибридизации растворами фитогормонов осуществлялась на 2-сутки после опыления (Даминова, 1993). Для проведения цитозмбриологических исследований 1-дневные после опыления столбики пестиков фиксировались в 70-% этиловом спирте, а 2-, 3- и 4-суточные семяпочки – в фиксаторе Карнуа (6:3:1) по З.П.Паушевой (1986). Проводка фиксированного материала проводилась по общепринятой в цитозмбриологии методике (Паушева, 1986). Препараты просматривали под микроскопами МБИ-3, МБР-3. Микрофотографии выполнялись с помощью микрофотонасадок МФН-11 и МФН-12.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЯ

Известно, что зародышевый мешок, зародыш и эндосперм хлопчатника развиваются в тесном окружении тканей семяпочки внутри завязи. Практически они не доступны (без нанесения серьезных раневых повреждений) для цитозмбриологических исследований. Однако для цитозмбриологических исследований они являются довольно удобным материалом.

Данные исследования проводили на материнских сортах хлопчатника вида *G. hirsutum* L. и при их гибридизации с дикими 26-хромосомными видами хлопчатника *G. australe*, *G. nelsonii*, *G. bickii*, *G. stocksii*, *G. incanum*, *G. davidsonii* и *G. laxum*.

Как показывают многочисленные (в том числе и наши) наблюдения при отдаленной межвидовой гибридизации аллотетраплоидных видов хлопчатника с дикими диплоидными видами, рост чужегеномных пыльцевых трубок и процесс оплодотворения происходит замедленными темпами и в единичных семяпочках на 3-4 дня позже, чем у материнского сорта. При межвидовой гибридизации картины вхождения пыльцевых трубок в микропиле семяпочек и оплодотворения наблюдались даже в опавших 6-8 дневных завязях.

Однако, при этом, каких-либо заметных нарушений, кроме замедления процесса оплодотворения отмечено не было. Спустя 2-3 суток после оплодотворения, зигота приступала к делению, образуя двуклеточный зародыш, нижняя клетка которого формировала подвескоподобную структуру (рис. 1). Верхняя клетка к 8-10 дню после оплодотворения формировала не дифференцированный, многоклеточный, шарообразный зародыш (рис. 2).

Далее глобулярный зародыш вскоре, после образования инициальных клеток (верхушечной, корневой и $2\times$ семядольных листочков) приобретал треугольную форму веерка. Физиологически оплодотворение проходило за счет поглощения питательных веществ разрушенной пыльцевой трубки. Затем зигота потребляла питательные вещества из цитоплазмы зародышевого мешка.

Формирование многоклеточного проэмбрио глобулярного зародыша, вплоть до начала дифференциации на зачатки семядольных листочков и зачаточного корешка, и следующий этап сердечка проходили за счет функционирования вспомогательной клетки зародышевого мешка (оставшейся живой синергиды), которая увеличивалась в размерах, образуя сетчатую структуру.

Однако функционирование синергиды было эфемерно, и, к 8-10 дню после оплодотворения, она уже деградировала. Этот процесс проходит нормально как в контроле, так и при отдаленной межвидовой гибридизации хлопчатника. Параллельно, в то же самое время, вслед за оплодотворением у *G. hirsutum* L. в халазальной части зародышевого мешка проходит формирование из оплодотворенного центрального ядра



Рис. 1. Начальные этапы формирования зародыша, остатки пыльцевой трубки и первые ядра эндосперма в варианте *G. hirsutum* x *G. bickii* (ув. 7 x 40)

(образованного 2-мя полярными ядрами) - эфемерной ткани, питающей зародыш, – эндосперма. Следует отметить, что развивающийся зародыш, обрастается развивающимся эндоспермальным мешочком, а тот, в свою очередь, окружен тонкой, плотной, увеличивающейся по мере роста, оболочкой макроспорангия; плотной и утолщенной в средней части, тонкой на микропиллярном и халазальном концах. Поэтому проникновение питательных веществ из нуцеллуса, внутрь эндоспермального мешочка (и затем к зародышу) возможно только со стороны микропиле и халазы.

Судя по анатомическим структурам, обрамляющим развивающийся эндосперм, с халазального конца семяпочки подходят ксилемные элементы проводящей системы (Чайлахян, 1988), подводющие к эндосперму воду и растворенные в ней минеральные вещества, а также синтезированные в корнях кинины. Питающий эндосперм, гаусториальный выступ с халазальной стороны прикрывает гипостаза, которая выполняет функцию поддержки мягких тканей семяпочки и служит накопителем кининов.

С микропиллярной стороны эндосперм через ткани нуцеллуса получает флоэмное питание, состоящее из сахаров, аминокислот и витаминов (в том числе и фитогормонов) (Чайлахян, 1988), синтезируемых в зеленых частях цветка, листьев, и образующихся при фотосинтезе в хлоропластах.

Согласно проведенным исследованиям эндосперм, в который погружен зародыш, является «природной стерильной камерой», которая обеспечивает очень быстрое размножение эндоспермальных ядер и необходимое образование особой питательной эндоспермальной жидкости, потребляемой формирующимся зародышем.

Структура активно делящегося эндосперма хлопчатника первоначально является ядерным ценоцитом, в котором многочисленные ядра погружены в общую



Рис. 2. Глобулярный зародыш и ядра эндосперма в варианте *G. hirsutum* x *G. bickii* (ув. 7 x 40)

цитоплазму, и которая сохраняется от начала делений оплодотворенного центрального ядра и до 8-10 дневного ядерного ценоцита, после чего эндосперм становится клеточным.

Главной особенностью эндосперма хлопчатника на этапе ядерного ценоцита являются волны делений многочисленных ядер, зоны которых проходят по эндосперму регулярными, строго геометрически ориентированными (кольцевыми к продольной оси) синхронизированными по одновременному прохождению фаз митотических делений хромосом ядер. С помощью волн делений происходит увеличение числа ядер в геометрической прогрессии. Всего за 8-10 дней насчитывается 8 таких волн, увеличивающих (в норме) число ядер от 1 до 256. Соответственно числу образующихся ядер – увеличиваются и размеры ядерного эндосперма, оболочки мегаспорангия и объем эндоспермальной жидкости.

Согласно исследованиям Р.Г.Бутенко (1964) и М.Х.Чайлахян (1988), эндосперм является специфической питающей тканью зародыша, относящейся к категории гормонозависимых тканей, в отличие от зародышевых тканей.

Из классических исследований Р.Г.Бутенко (1986), также известно, что вступление растительных клеток в процесс делений находится под бифакторальным двойным гормональным контролем: сначала ауксины подготавливают ядра к делению (увеличивается проницаемость пор мембран, происходит синтез специфических РНК и т.д.); только в подготовленных ауксинами ядрах, цитокинины, являются триггерами – «спусковыми крючками», которые активируют гены, ответственные за прохождение делений; по отдельности каждый из данных фитогормонов не может вызывать деления растительных клеток.

Поэтому волна митотических делений ядер в эндосперме проходит только при достижении оптимальных

соотношений концентраций фитогормонов, поступающих в нуцеллус, а из него – в эндосперм, вместе с питательными веществами (из материнского организма), которое равно 3 : 1 (ауксины : кинины). Данное оптимальное гормональное соотношение равномерно перемещается кольцом вдоль длинной оси ядерного эндосперма, формируя волну делений.

Учитывая исключительно геометрически правильные картины перемещающихся волн делений в ядерном ценоците эндосперма хлопчатника и выравнивание зон многочисленных картин делений по фазам (очевидно соответствующим градиентам гормонов делений - кольцам делений) - физиологически проявляет специфичность питания эндосперма хлопчатника, при котором:

- поступление питательных веществ через утолщенные боковые части оболочки мегаспорангия не возможны;
- приток пластических питательных веществ с ауксинами из флоэмных элементов от хлорофиллсодержащих органов и из халазального проводящего пучка (через удлинённые тонкостенные клетки) происходит осмосом;
- через цепочки клеток нуцеллуса в эндосперм с микропиллярного конца;
- этим путем осуществляется максимум поступления гормонов ауксинов и гиббереллинов, которые синтезируются в дневное время активного фотосинтеза;
- приток воды с минеральными веществами, микроэлементами и растворёнными цитокининами, максимум, которого наступает в ночное время из проводящего пучка также осмосом в обход гипостазы, через эндоспермальный гаусторий с халазального конца эндосперма.

В эндосперме эти два противоположно направленных потока фитогормонов, контролирующих деления ядер (при разном времени суток прохождения максимальных концентраций) достигают оптимального для подготовки и начала делений соотношения концентраций; которые проявляются на уровне волны делений ядерного ценоцита. Таким образом, первоначальная подготовка ядер к делению ауксинами начинается с микропиллярного конца; обычное же распространение волн делений соответствует поступлению цитокининов с халазального конца.

После каждого прохождения волны делений (обычно по одной в сутки) свободные ядра эндоспермального ценоцита впадают в состояние интерфазы. Поскольку гормоны делений синтезируются в листьях и корнях в разное время суток, существует физиологическая зависимость регулярных суточных ритмов волн делений, интерфазного и делящегося состояния ядер ценоцита эндосперма, от дневной фотосинтетической активности листьев и ночной корневой активности.

Таким образом, на основе современного уровня знаний о бифакторальной (ауксины, цитокинины)

Annotation: In our article, we present new locally created soybean varieties Nafis and Selecta-302 from the Krasnodar Territory of the Russian Federation under conditions of irrigated meadow-gray soils of the Samarkand region (powder), *Bradyrhizobium japonicum* + *Bacillus Subtilis* BS-26 (blue liquid), as well as strains produced in our republic, together with the existing nodule in the soil of the field where soybeans have been grown for many years on the research fields of the Rice Research Institute of the Republic of Uzbekistan. Aboriginal local populations of bacteria (dark gray, thallus) and their influence on the dynamics plant development, growth, number and mass of nodules formed in the roots of plants, crop structure, yield, and currently widely used in production, row spacing 60 cm, seeding rate per 1 ha, 550,000 seeds planted (control) and seeding rate in kg - variety Nafis (average weight of 1000 seeds 170 g), 93 kg per ha, Selecta-302. variety (average weight of 1000 seeds 175 g), 96 kg per hectare

Key words: soybean, variety, *Brachirizobium japonicum*, boron, molybdenum, bacteria, population, irrigated, meadow-gray, soil, efficiency.

КИРИШ

Мамлакатимизда ислохатлар самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан муҳтарам Президентимиз томонидан муҳим қарорлар, фармонлари қабул қилинди ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу эса мутахассислар амалиёти учун дастур бўлди. Жумладан 2017 йилнинг 14 мартда ПҚ-2832-сон “2017-2021 йилларда республикада сояни экишни ташкил этиш ва соя донини етиштиришни кўпайтириш тўғрисида” қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 февраль 2018 йил №105-сонли “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди (ПҚ-2832-сон).

Бугунги кунда дунё деҳқончилиги амалиётида тупроқ унумдорлигини ошириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, чорвачиликни ўсимлик оқсилга бўлган эҳтиёжини қондиришда дуқакли дон экинларидан бири бўлган соя экинининг аҳамияти беқиёс, чунки сояда бир вақтнинг ўзида кўп миқдорда оқсил, балансланган алмаштирилмайдиган аминокислоталар, ўсимлик мойи мавжуд. Соя донидаги оқсилнинг ўзлаштирилиши 86-100%ни ташкил қилади. Дуқакли дон экинлари орасида соя ялпи дон ҳосили ва экин майдонлари бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Ҳозирда соя жаҳон деҳқончилигида 120 млн/гектардан

ортиқ майдонга экилиб келинмоқда (<https://latifundist.com/rating/top-10-proizvoditelej-soi-v-202021-mg>).

Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерларда соя экилиши билан қишлоқ хўжалигидаги қуйидаги долзарб муаммолар ҳал этилади:

- дон етиштиришни кўпайтириш;
- ўсимлик оқсилли тақчиллиги;
- тупроқ унумдорлигини ошириш.

Аммо, бугунги кунда республикада соя экаётган аксарият фермер хўжаликларида соя навлари потенциал ҳосилдорлигидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, бунинг сабаблардан бири соя етиштириш технологиясининг асосий технологик унсурлари экилаётган навларнинг биологик хусусиятлари, минтақа тупроқ-иқлим шароити хусусиятлари инobatга олинмаган ҳамда атмосфера азотини ўзлаштириб тупроқни унумдорлигини оширадиган, азотли ўғитларни кам қўллаш ёки умуман қўлламасдан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган туганак бактериялар қўлланилмаяпти. Юқорида қайд этилганларни инobatга олган ҳолда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги ўтлоқ бўз тупроқлар шароитида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институтида яратилган янги туганак бактериялар штаммини ҳамда хориждан келтирилган штаммларни, соя экиб келинаётган майдон тупроқларидаги мавжуд туганак бактериянинг абориген маҳаллий популяцияларининг самарадор-

лигини аниқлаш, экологик синовдан ўтказиш, навлар кесимида ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Хусусан, Республикамиз шароитида соя етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, соя навларини етиштириш технологиясида нав хусусиятлари, суғориш, ўғитлаш муаммолари, шу орқали тупроқ унумдорлиги ва такрорий экинлар ҳосилдорлигини ошириш юзасидан, туганакларнинг сони экиш меъёри ошганда камайиб борган: Орзу навида 115 дан 92 гача, Ўзбек-2 навида 145 дан 118 гача ва Ўзбек-6 навида 165 дан 130 гача камайган. Бир туп ўсимликдаги туганак вази ҳам сийрак экилганда кўп бўлиб, қалин экилганда камайган (Умарова, 2009).

Соя туганак бактерияларининг фаолияти эвазига ҳаводаги эркин азотнинг биологик азотга айланиши ва тупроқда тўплаши туфайли ҳар гектарига ўртача 65-130 кг/га гача азот билан унумдорлигини “Текинга” яхшилайти (Сиддиков ва бошқ., 2004)

Униб чиқиш фазасидан бошлаб, ҳар куни соя илдизда туганаклар ҳосил бўлиши кузатиб борилди. Бунинг учун 5 та ўсимлик илдизи билан қазиб олинди. Биринчи туганакларнинг шаклланиши соя уруғи тўлиқ униб чиққандан сўнг ўн кун ўтгандан кейин ҳосил бўлди. Энг кўп туганаклар ҳосил бўлиши дуккаклар тўлишиш фазасига тўғри келган (Саитканова ва бошқ., 2010)

Самарқанд вилоятида соянинг Медея, Валюта, Изумруд навлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган Орзу навлари ўрганилган. Уруғлар Симферопол Қишлоқ хўжалик микробиологияси институтидан келтирилган соянинг М-8 штамлари ўстирилган ризобифит препарати билан 1 гектарга сарфланадиган уруғга 200 грамм ҳисобида ишлов берилган. Бу ўсимликларда бир гектар экинзорда 238,1 кг биологик азот тўпланиши ва унинг 50% ни ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши аниқланган (Халилов, Умрзоков, 2005)

Соянинг экиш меъёри унинг уруғининг йириклигига ва навнинг тезпишарлигига қараб белгиланади. Соядан мўл ва сифатли ҳосил олиш кўп жиҳатдан уруғни ўз вақтида мақбул муддатларда экиш ва сифатли уруғликдан фойдаланишга боғлиқ (Шадиев, Саимназаров, 2006).

Краснодарск минтақасида кеч ва ўртапишар навлар учун 350-450 минг/га, эртапишар навлар учун 400-500 минг дона ўсимлик гектарда бўлгани маъқул (Баранов,

Коррея, 2005)

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Илмий-тадқиқот ишлари дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», Г.С.Посыпановнинг «Методы изучения биологической фиксации азота воздуха» услубий қўлланмалари, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов усули асосида амалга оширилган.

Шу билан биргаликда тажрибамизда соя етиштиришда турли инокулянтларнинг самарадорлигини маҳаллий шароитда яратилган ва хориждан келтирилган навларини етиштиришда қўлланилган инокулянтларнинг ўсимликларнинг ҳосил структураси ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ҳамда ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган қатор оралари 60 см, экиш меъёри гектарига 550 минг дона уруғ (назорат) экилган ва кг ҳисобида экиш меъёри Нафис навида (1000 дона уруғи массаси ўртача 170 г), гектарига 93 кг, Селекта-302 навида (1000 дона уруғи ўртачаси 175 г) 96 кг бўлган.

Тажрибамизда азотли ўғитлар қўлланилмади. Маъданли ўғитлардан (фон сифатида) фосфор 90 кг/га, калий 60 кг/га ҳисобида қўлланилди. Фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдашдан олдин солинди. Фосфорли ўғитлардан PS-Agro (P_2O_5 -41 %), калийли ўғитлардан калий хлорид (K_2O -60 %) қўлланилди.

Қўлланилган бактериал препаратларнинг шакллари:

Назоратда бактериал препаратлар қўлланилмади ва фон- $P_{90}K_{60}$ кг/га.

Фон+Нитрофорте–Ж (Россия Федерациясининг «СОКО» компанияси)-суяқлик;

Фон+Нитрофорте–П (Россия Федерациясининг «СОКО» компанияси)-кукун;

Фон+Ризовит-АКС (Қозғоғистон республикаси)-сут рангли кукун;

Фон+*Bradyrhizobium japonicum*+*Bacillus subtilis* BS-26 - Кўк рангли суяқлик.

Назорат сифатида беш йил давомида соя экилган ва *Bradyrhizobium japonicum* бактериялари популяцияси

1-жадвал.

Тажриба тизими

№	Қўлланилган препаратлар	Миқдори
1	$P_{90}K_{60}$ -фон (назорат инокулянтсиз)	инокулят қўлланилмади
2	Фон+Нитрофорте–Ж	200 мл/га
3	Фон+Нитрофорте–П	250 г/га
4	Фон+Ризовит-АКС	200 г/га
5	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> + <i>Bacillus subtilis</i> BS-26	2,0 л/га (титри 22 млн/мл)
6	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> бактериялари популяцияси мавжуд тупроқ	1 кг/га

мавжуд бўлган Шоличилик ИТИ (Ўзбекистон) ҳудудидан келтирилган тупроқ (тўқ кулранг, талқонсимон);

Препаратни тўғри (белгиланган меъёр ва мезонларда) қўлланилганлиги: тадқиқотларимизда назорат, инокулянтсиз, $P_{90}K_{60}$ -фон (назорат инокулянтсиз) жами бешта турли хилдаги инокулянтлар қўлланилди ва улар биопрепаратнинг саноат-синов тажрибасида дастлабки ишловда гектарига қуйидагича сарф бўлди (1-жадвал).

Дала тажрибаларида соя етиштириш ўрганилган вариантлардан истисно қилинганларда минтақа учун қабул қилинган технологик харита асосида олиб борилди.

НАТИЖА ВА МУНОЗАРАЛАР

Тажрибаларда, турли инокулянтларнинг Нитрофорте-Ж (суюқлик), Нитрофорте-П (кукун), Ризовит-АКС (сут рангли кукун), *Bradyrhizobium japonicum*+*Bacillus Subtilis* BS-26 (кўк рангли суюқлик), беш йил давомида соя экилган ва *Bradyrhizobium japonicum* бактериялари популяцияси мавжуд бўлган ўтлоқи бўз тупроқ (тўқ кулранг, талқонсимон) соя навларининг ҳосил структураси кўрсаткичларига, хусусан, ўсимликнинг бўйи, бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони, 1 дона дуккакдаги донлар сони, бир туп ўсимликдаги донлар массаси ва 1000 дона дон массаси аниқланди.


Соя илдизида туганак ҳосил бўлиш динамикаси таҳлили бўйича Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда

1 туп ўсимликда чин барглarning ҳосил бўлиш даврида 10,0 дона, гуллаш фазасида 38,2 дона, дуккакларнинг ҳосил бўлиши даврида 220,9 дона туганаклар ҳосил бўлиши қайд этилди. Селекта-302 навида туганаклар сони Нафис навида нисбатан кам бўлиши аниқланди. Назорат-($P_{90}K_{60}$ -фон, инокулянт қўлланилмаган) пайкалчаларидаги ўсимликлар илдизида туганаклар ҳосил бўлмаганлиги қайд этилди.

Ўсимликларнинг ривожланиши давомида гуллаш давридан бошлаб туганаклар сонининг ошиши билан биргаликда массаси ҳам кўпайиши аниқланди.

Туганакларнинг массаси дуккакларнинг ҳосил бўлиш даврига келиб Нафис навида 4,0-5,9 г, Селекта-302 навида 3,4-5,5 г гача ўзгарди, бир туп ўсимликдаги энг юқори туганаклар массаси Нафис навида Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилган вариантда 5,9 г, Фон+*Bradyrhizobium japonicum* бактериялари популяцияси мавжуд бўлган тупроқ вариантда 4,0 г ни ташкил этиб, Селекта-302 навида ҳам шундай қонуниятлар кузатилди.

Нафис навида ўсимликларнинг бўйи ўрганилган вариантларга боғлиқ ҳолда 159,4 см дан 171,5 см гача бўлган бўлса, Селекта-302 навида эса 155,4 см дан 174,7 см гача ни ташкил этди. Ризобиал бактериялар штамми қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан ҳар иккала навда ҳам ўсимликнинг бўйи 12,1 см дан Селекта-302 навида 19,3 см гача ошди. Бир туп



1-расм. Соя навлари илдизларида туганакларнинг ҳосил бўлиш динамикаси (дона/ўсимлик)

ўсимликдаги дуккаклар сони ризобиал бактериялар штамми қўлланган вариантларда назоратга нисбатан ҳар иккала навда ҳам сезиларли даражада кўп бўлиши кузатилди. Нафис ва Селекта-302 навлари назоратга нисбатан Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда бир туп ўсимликдаги донлар сони мос равишда 26,5; 28,2 донагача кўп бўлиши аниқланди. Шундай қонуният қолган вариантларда ҳам кузатилди. Энг кам кўрсаткич Фон+Ризовит–АКС қўлланилганда қайд этилди.



Расм-2, Туганак тўпловчи бактерияларнинг соя ўсимлиги дуккаклари ва дони ривожланишига таъсири

А –Тажриба – назорат

В –Тажриба – соя уруғлари *Bradirizobium japonicum*, уруғлари шолчилилик ИТИ соя ўстирилган майдондаги тупроқлар билан ишланган.

Г –Тажриба – соя уруғлари *Bradirizobium japonicum*, Фон+Нитрофорте–Ж билан ишланган.

Битта дуккакдаги донлар сони Нафис навида қўлланилган ризобиал бактериялар штаммларига боғлиқ ҳолда ўзгарди ва назорат вариантыда Нафис нави бўйича 2,4 дона, Селекта-302 бўйича 2,2 донани ташкил қилди. Ризобиал бактериялар штаммлари қўлланилганда барча вариантларда дуккакдаги донларнинг сони Нафис навида 3,1 донадан 2,6 донагача,

Селекта-302 навида 2,9 донадан 2,5 донагача ўзгарди. Бир туп ўсимликдаги донлар вазнига қўлланилган ризобиал бактериялар штаммлари барчаси ижобий таъсир кўрсатди ва Нафис навида назоратда 8,8 г ни, Селекта-302 навида 8,7 г ташкил этди.


Бир туп ўсимликдаги донларнинг энг юқори мас-саси Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда Нафис навида 15,4 г, Селекта-302 навида 13,9 г ни ташкил этди, қолган вариантларда бир туп ўсимликдаги донлар массаси назоратга нисбатан кўп бўлсада, Фон+Нитрофорте-Ж га нисбатан сезиларли даражада кам бўлди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 1000 дона дон массасининг назоратга нисбатан сезиларли даражада кўп бўлиши турли инокулянтларни қўллаш натижаси-да ўсимликларда асосан азот таъминотининг яхши бўлиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, соя навларининг суғориладиган ерларда ҳосилдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ ҳолда ўзгарадиган интеграл кўрсаткич ҳисобланади.

Тажриба ўтказилган йиллар давомида ўртача ҳосилдорлик Нафис нави назорат вариантларида 19,0 ц/га, Селекта-302 навида 18,2 ц/га ни ташкил этди (3-жадвал).

Маҳаллий шароитда яратилган Нафис нави ҳамда хориждан келтирилган Селекта-302 навларига Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитида ризо-биал бактериялар штамми қўлланилганда соя ҳосил структураси кўрсаткичларига, хусусан ўсимликнинг бўйи, бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони, дуккак-даги донлар сони, бир туп ўсимликдаги донлар мас-саси ва 1000 дона дон массаси Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда ҳар иккала навда ҳам энг юқори кўрсаткичлар қайд этилди.



Расм-3, Туганак тўпловчи бактерияларнинг соя ўсимлиги илдизларнинг ривожланишига таъсири

2-жадвал.

Соёда ҳосил структурасининг инокулянтлар таъсирида ўзгариши (2018-2020 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Ўсимлик бўйи, см	Бир тул ўсимлик- даги дуккаклар сони, дон	Битта дуккакдаги донлар сони, дон	Бир тул ўсимлик- даги донлар сони, дон	Бир тул ўсимлик- даги донлар массаси, г	1000 дон дон массаси, г
Нафис нави							
1	Назорат – (P ₉₀ K ₆₀ -фон, инокулянт қўлланилмаган)	159,4	21,6	2,4	52,6	8,8	168,3
2	Фон+Нитрофорте–Ж	171,5	28,4	3,1	89,1	15,4	173,0
3	Фон+Нитрофорте–П	165,6	27,9	2,9	81,7	14,1	172,0
4	Фон+Ризовит–АКС	160,8	22,6	2,6	57,9	9,9	170,8
5	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> + <i>Bacillus subtilis</i> BS-26	173,2	26,5	2,8	73,4	12,5	170,2
6	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> бактериялари популяцияси мавжуд тупроқ	162,4	25,8	2,4	62,0	10,5	168,7
Селекта-302							
1	Назорат – (P ₉₀ K ₆₀ -фон, инокулянт қўлланилмаган)	155,4	21,8	2,2	48,6	8,7	179,8
2	Фон+Нитрофорте–Ж	174,7	26,8	2,9	76,8	13,9	181,6
3	Фон+Нитрофорте–П	164,7	26,0	2,7	71,0	12,8	180,9
4	Фон+Ризовит–АКС	159,2	22,7	2,4	54,5	9,8	180,5
5	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> + <i>Bacillus subtilis</i> BS-26	164,1	26,4	2,6	67,7	12,2	180,1
6	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> бактериялари популяцияси мавжуд тупроқ	156,1	24,9	2,5	61,4	11,0	179,1

3-жадвал.

Соё навлари ҳосилдорлигига инокулянтларнинг таъсири

Тажриба вариантлари		Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача	Инокулянт ҳисобидан қўшимча ҳосил	
Навлар, А	Инокулянтлар, В	2018 й.	2019 й.	2020 й.		ц/га	%
Нафис	Назорат – (P ₉₀ K ₆₀ -фон, инокулянт қўлланилмаган)	19,3	18,1	19,7	19,0	-	-
	Фон+Нитрофорте–Ж	34,5	34,1	36,5	35,0	16	84,2
	Фон+Нитрофорте–П	32,5	31,9	35,3	33,2	14,2	74,7
	Фон+Ризовит–АКС	20,0	19,5	21,4	20,3	1,3	6,8
	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> + <i>Bacillus subtilis</i> BS-26	29,4	27,6	31,4	29,5	10,5	55,2
	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> бактерияла- ри популяцияси мавжуд бўлган тупроқ	24,5	23,7	29,1	25,8	6,8	35,7
Селекта-302	Назорат–(P ₉₀ K ₆₀ -фон, инокулянт қўлланилмаган)	18,1	16,9	19,7	18,2	-	-
	Фон+Нитрофорте–Ж	28,5	26,3	29,3	28,0	9,8	53,8
	Фон+Нитрофорте–П	26,7	26,1	28,1	27,0	8,8	48,3
	Фон+Ризовит–АКС	20,0	18,2	20,5	19,6	1,4	7,6
	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> + <i>Bacillus subtilis</i> BS-26	25,1	22,3	31,4	26,3	8,1	44,5
	Фон+ <i>Bradyrhizobium japonicum</i> бактерияла- ри популяцияси мавжуд бўлган тупроқ	23,1	22,0	28,7	24,6	6,4	35,1
Умумий ЭКИФ		2,28	2,10	2,44			
А омил ЭКИФ		5,58	5,14	5,97			
В омил ЭКИФ		3,22	2,97	3,45			

Штаммлардан Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилган пайкалчалардаги ўсимликларда 1000 дона дон массаси Нафис навида 173,0 г, Селекта-302 навида 181,06 г бўлиши қайд этилди. Қолган вариантларда Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилган пайкалчалардагига нисбатан 1000 дона дон массаси кам бўлиши кузатилсада, назоратга нисбатан сезиларли даража кўп бўлиши кузатилди. Бизнинг тадқиқотларимизда 2018-2020 йилларда 1000 дона дон массаси Нафис ва Селекта-302 навларида назорат-(P₉₀K₆₀-фон, инокулянт қўлланилмаган) вариантларда ўртача 3 йиллик натижаси 168,3; 179,8 г ни ташкил қилган бўлса, ризобиал бактериялар штаммлари қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан 1000 дона уруғ массаси сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.

Тажриба вариантларида энг юқори ҳосилдорлик қайд этилган Фон+Нитрофорте-Ж вариантыда Нафис ва Селекта-302 навларида ҳосилдорлик мос равишда 35,0 ва 28,0 ц/га ни бўлиши қайд этилди. Бунда навлар ўртасидаги фарқ Нафис навида Селекта-302 навига нисбатан 7 ц/га кўп бўлди ва назоратга нисбатан Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда Нафис навида 16 ц/га, Селекта-302 навида 9,8 ц/га ёки % ҳисобида 84,2 ва 53,8 % бўлганлиги қайд этилди.

Қолган вариантлар бўйича ҳам ризобиал бактериялар штаммлари қўлланилган вариантларга боғлиқ ҳолда кўшимча ҳосил 1,3 дан 14,2 ц/га Нафис навида, 8,8 дан 1,4 ц/га гача Селекта-302 навида олинди.

ХУЛОСАЛАР

Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитига маҳаллий шароитда яратилган Нафис нави хориждан келтирилган Селекта-302 навларининг 1000 дона донининг массаси навлар хусусиятлари ва йилнинг об-ҳаво шароитига, қўлланилган ризобиал бактериялар штаммлари турларига боғлиқ ҳолда ўзгарди ҳамда энг юқори 1000 дона уруғ массаси Фон+Нитрофорте-Ж қўлланилганда кузатилди;

Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитига маҳаллий Нафис нави хориждан келтирилган Селекта-302 навларининг уруғлари Фон+Нитрофорте-Ж штаммлари қўлланилганда энг юқори дон ҳосилдорлиги шаклланди ва ўртача 3 йил давомида Нафис ва Селекта-302 навларида тегишлича 35,0; 28,0 ц/га ҳосил олинди.

Кўп йиллар давомида соя экилиб келинаётган тупроқларда фаол туганак бактериялар мавжудлиги қайд этилганда ҳам экишда уруғларни инокулянтлар билан ишлаш ҳосилдорликни сезиларли даражада ошишин таъминлаши аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832 сонли «2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент, 2017.
2. Умарова Н.С. Соя навларининг илдиз ва тугунакларининг ривожланиши. /Ўзбекистонда мойли ва топали экинларни етиштириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган янги технологиялар: Мат.тўп. Респ. илм.-амал.конф.- Тошкент, 2009. -54-55 б.
3. Сиддикова Р., Маннопова М., Эгамов И. Ери бойнинг-эли бой. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. -Тошкент, 2004. - № 9. - 19 б.
4. Сайтканова Р.У., Содикова Н.И., Ибрагимов Ф.Ю., Мирзаева И.Т. Соянинг нав танлов кўчатзоридаги истиқболли нав намуналари. /Шоли ва дуккакли-дон экинларининг селекцияси уруғчилиги ва агротехнологик тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва имкониятлар: Мат. тўп.Респ.илм.амал. конф.- Тошкент, 2010.- 86-87 б.
5. Халилов Н., Умрзаков Б. Соя ёхуд унинг биологик азот тўплаш хусусияти ва энергияни тежаш технологияларини яратишдаги ўрни. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 2005.- № 6.-19-20 б.
6. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – Тошкент, 2007. 147 б.
7. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”. М.: “Колос” -1985.– С. 415–418.
8. Посыпанов Г.С. Методы изучения биологической фиксации азота воздуха. //Р.1991. с.165-231.
9. Баранов В.Ф., Корреа У.Т., Ефимов А.Г. Соя биология и технология возделывания.- Краснодар.: Советская Кубань, 2005.- 433 с
10. <https://latifundist.com/rating/top-10-proizvoditelej-soi-v-202021-mg>

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Кулдашов Бобомурод Хусанович - Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари унивеситети қ.х.ф.ф.д (PhD), Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кучаси 77-уй E-mail:bobomurodkuldashov@gmail.com ORCID IP 0000-0002-7077-1623

Халилов Насриддин Халилович - Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари унивеситети қ.х.ф.д., профессор Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кучаси 77-уй ORCID IP 0000-0003-2172-1821

Ҳамзаев Абдушукур Худайкулович – Тошкент давлат аграр университети, қ.х.ф.д., профессор, (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Университет кўчаси 2.) xabdushukur@mail.ru ORCID.ORG/0000-0003-2264-4061

Поступило в редакцию 31.10.2022 г.

UDK: 633.16:631.51:631.55

LALMI KUZGI ARPA NAVLARINING HOSILDORLIGI VA DON SIFATIGA EKISH MUDDATLARI HAMDA ME'YORLARINING TA'SIRI

ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ПОСЕВА И НОРМЫ ВЫСЕВА НА УРОЖАЙНОСТЬ И КАЧЕСТВО ЗЕРНА ОЗИМЫХ БОГОРНЫХ СОРТОВ ЯЧМЕНЯ

INFLUENCE OF SOWING TIME AND SEEDING RATES ON YIELD AND GRAIN QUALITY OF WINTER BOGORN BARLEY VARIETIES

*Xudayberdiyeva Shaxlo Abduvali qizi, tayanch doktorant,
Xalilov Nasriddin Xalilovich, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor,*

*Худайбердиева Шахло Абдували кизи, базовый докторант,
Халилов Насриддин Халилович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор*

*Khudayberdiyeva Shakhlo Abduvali qizi
Khalilov Nasriddin Khalilovich*

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti

*Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины,
животноводства и биотехнологией.*

Samarkand state university veterinary medicine, livestock and biotechnologies

Annotatsiya. Tadqiqotlarda ilk bor Jizzax viloyati qir-adirlik mintaqasi lalmikorlik sharoitida kuzgi arpaning "Lalmikor" va "Adir" navlarining hosildorligi va don sifatiga ekish muddatlari va me'yorlarining ta'siri o'rganilgan. Tadqiqotlar natijasida maqbul ekish muddati va me'yori, donning sifat ko'rsatkichlari aniqlangan. Maqolada tajriba o'tkazilgan maydonning tuproq agrokimyoviy ko'rsatkichlari mintaqaning tajriba o'tkazilgan yillardagi iqlim ko'rsatkichlari, o'rganilgan navlar tavsifi qisqacha bayon qilingan. Shuningdek tajribada qo'llanilgan tadqiqot usullari keltirilgan. Tajribalar lalmikor sharoitda, har bir paykalchanning umumiy yuzasi 60 m² hisobga olingan yuzasi 50m² ni tashkil etgan. Tajribada kuzgi arpa navlarining unib chiqish, tuplanish, naychalash, boshqolash, gullash, donning sut, mum, va to'la pishish fazalari aniqlangan. Fazalarga o'simliklar 10% kirganda boshlanishi, 70% dan ortig'i kirganda to'la faza belgilangan. Hosildorlik paykalchalardagi hosilni o'rib, yanchib olish orqali aniqlangan va don tarkibidagi namlik standart 14 % ga keltirib hisoblangan.

Tadqiqotlar natijasida kuzgi arpa navlarining turli muddatlarda va me'yordagi ekilgan variantlar kesimida, don hosildorligi bitta boshqodagi donlar soni, bitta boshqodagi don vazni, 1000 dona donning bazni, donning naturasi (hajmiy og'irligi) don tarkibidagi oqsil miqdori aniqlanib tahlil qilingan. Tadqiqot natijalari bo'yicha xulosalar keltirilgan. Maqolada muammoning o'rganilish holati tahlil qilinib, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati keltirilgan.

Kalit so'zlar. Arpa, nav, ekish muddati, me'yor, hosildorlik, oqsil, don naturasi, 1000 dona don vazni, boshqodagi don soni, sifat, lalmikor, qir – adirlik.

Аннотация. В исследованиях впервые изучено влияние сроков и норм посева на урожайность и качество зерна озимого ячменя сортов «Лалмикор» и «Адир» в условиях богарного земледелия в холмистых зонах Джизакской области. В результате исследований определены оптимальные сроки и нормы посева, показатели качества зерна. В статье представлены агрохимические показатели почвы опытного участка, в годы проведенных опытов и описание изученных сортов. А также приведены методы исследований проведенных опытов. Опыты проводились в богарных условиях площадь, каждого питомника составляла 60 м² учитываемая площадь 50 м². В исследованиях определены следующие фазы развития: бутонизации, трубкования, колошения, цветения, молочная, восковая и полного созревания сортов озимого ячменя. Начало фаз определена в 10%, Продолжительность вегетационного периода определяли при наступлении фаз на 10% и 70%. Урожайность определяли путем уборки и обмолота урожая, а влажность зерна рассчитывали при приведении в стандартное состояние -14%.

В результате исследований была проанализирована урожайность зерна, количество зерен в одном колосе, масса зерна в одном колосе, масса 1000 зерен, натура зерна (объемная масса) и количество белка в зерне

сортів озимої пшениці в різних строках і нормах посіву в одному варіанті. Представлені висновки по результатам дослідження. В статті проаналізовано стан знаності проблеми і приводиться список використаної літератури.

Ключевые слова: Ячмень, сорт, срок посева, норма, урожайность, белок, натура зерна, масса 1000 штук зерен, количество колос, качество, богара, ровнинно-холмистой.

Abstract: for the first time in the research, the influence of planting dates and standards on the productivity and grain quality of "Lalmikor" and "Adir" varieties of winter barley in the conditions of dry farming in the Kir-Adirlik region of Jizzakh region was studied. As a result of the research, the optimal planting period and norms, grain quality indicators were determined. The article briefly describes the agrochemical parameters of the soil of the experimental area, the climatic parameters of the region in the years of the experiment, and the description of the studied varieties. Experimental research methods are also presented. Experiments were carried out in humid conditions, the total surface of each pad was 60m², and the surface area was 50m². In the experiment, the stages of germination, budding, tuberization, earing, flowering, milk, wax, and full ripening of grain were determined. Phases are defined as beginning when plants enter 10% I, full phase when more than 70% enter. The yield was determined by reaping and threshing the crop in the pods, and the moisture content of the grain was calculated using the standard 14%.

As a result of the research, the grain yield, the number of grains in one head, the weight of grain in one spike, the basis of 1000 grains, the nature of the grain (bulk weight) and the amount of protein in the grain were determined and analyzed. Conclusions on the results of the research are given. The article analyzes the state of research of the problem and provides a list of used literature.

Keywords: Barley, variety, planting period, rate, productivity, protein, grain type, weight of 1000 grains, number of grains in one spike, quality, dry land, hilly - hilly.

KIRISH

O'zbekistonda chorvachilikni jadal rivojlantirishga hukumat tomonidan alohida ahamiyat qaratilmoqda, yem-xashak bazasini mustahkamlash maqsadida ozuqa ekinlaridan yuqori va sifatli hosil yetishtirishni taminlaydigan agrotexnologiyalarni ishlab chiqish va ularni ishlab chiqarishga joriy etish respublikaning ozuqa yetishtirish sohasidagi eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Arpa doni tarkibida oqsil miqdori lalmikorlikda sug'oriladigan yerlarda yetishtirilgan arpa donidagi miqdorga nisbatan sezilarli darajada ko'p bo'ladi va 13% dan 16 % gacha o'zgarishi mumkin. Kuzgi arpa somonining 100 kg da 33 ozuqa birligi saqlanadi. Shuningdek, arpa doni tarkibida 60-65% kraxmal mavjud. Arpa donini bevosita konsentrat yem sifatida qo'llash yoki undan omixta yem tayyorlashda keng foydalaniladi. Kuzgi arpa kuzgi bug'doyga nisbatan 10-15 kun oldin pishib yetiladi. Natijada yozning jazirama issig'idan, qurg'oqchilikdan kam zararlanadi.

Hozirgi paytda lalmikor sharoitda respublikamizda yuqori va barqaror hosil beradigan arpaning yangi navlarining potensial hosildorligidan to'la foydalanishga imkon beradigan tadqiqotlar o'tkazish muhim hisoblanadi.

Kuzgi arpani sug'oriladigan va lalmikor yerlarda yetishtirish texnologiyasining asosiy unsurlari, ekish muddatlari, o'g'itlash, sug'orish, ekish me'yorlari, usullari bo'yicha xorijda va respublikamizda bir qator ilmiy tadqiqotlar o'tkazilgan (Калашников, 2007; Курбонов, 1981; Мирахмедов, 2017; Nurboyev, 2013; Xalilov, 2012; Xalilov, 2006; Янковский, 2005, Ходжакулов, 1991; Маматкулов, 2014). Shuningdek, kuzgi arpaning seleksiyasi va urug'chiligi bo'yicha ham T.Mamatqulov, A.Xoldarov va T.Xodjaqulov tomonidan tadqiqotlar olib borilgan. Ammo o'tkazilgan tadqiqotlarning ko'pchiligi respublikamizda sug'orilgan sharoitda o'tkazilgan.

Aksariyat navlar davlat reestiridan chiqarilgan. Yangi yaratilgan kuzgi arpa navlarining maqbul ekish muddatlari va me'yorlari mintaqa tuproq-iqlim sharoiti va navning biologik xususiyatlarini inobatga olgan holda yetarli darajada o'rganilmagan.

MATERIAL VA METODLAR

Dala tajribalari 2021-2022 yillarda Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot institutining tajriba dalalarida, laboratoriya tahlillari esa Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining "O'simlikshunoslik, yem-xashak yetishtirish va genetika" kafedrasida o'quv laboratoriyasida o'tkazildi.

Tajriba o'tkazilgan dala tuproqlari och tusli bo'z tuproqlar bo'lib, mexanik tarkibi o'rtacha qumoq. Tajriba obyekti kuzgi arpaning Lalmikor va Adir navlari. Tajribalar 4 takrorlikda, har bir paykalchanning yuzasi 60 m², hisobga olinadigan yuzasi 50 m². Tajribada urug'larning laboratoriya va dala unuvchanligi, o'simliklarning qishga chidamliligi, hosilni yig'ishtirishgacha saqlanishi, umumiy va mahsuldor tuplanish, o'simlikning bo'yi, boshqoq uzunligi, boshqoqdagi donlar soni, bitta boshqoqdagi don vazni, 1000 dona donning vazni, bir m² dagi boshqoqli poyalar soni don tarkibidagi oqsil miqdori, donning naturasi, namligi aniqlandi. Don tarkibidagi oqsil miqdori Germaniya Federativ Respublikasidan keltirilgan zamonaviy "GRANOLYSER" uskunasida aniqlandi. Tajribada o'simliklarning rivojlanish fazalaridan unib chiqish, tuplanish, naychalash, boshqoqlash, gullash, donning sut, mum, to'la pishish fazalari aniqlandi. O'simliklarning mazkur fazaga 10% kirganda fazaning boshlanishi, 70% dan ko'p kirganda to'la faza belgilangan.

NATIJALAR VA ULARNING TAHLILI

Kuzgi arpaning "Lalmikor" va "Adir" navlarining hosildorligi va don sifat ko'rsatkichlari 1-jadvalda keltirilgan. Tajribada ertagi muddat 15-oktabr, o'rta


muddat 31-oktabr, kechki muddat 15-noyabr qilib belgilangan. Har bir ekish muddatida ekish me'yori 2,0; 2,5; 3,0 mln/ga unuvchan urug'bo'lgan. Ekish STK SFKA-8 laboratoriya seyalkasida o'tkazildi. O'tmishdosh toza shudgor. Barcha ekish muddati va me'yori qo'llanilgan paykalchalarda bir xil miqdorda $N_{30}P_{30}K_{30}$ kg/ga me'yorda qo'llanilgan. Barcha agrotexnik tadbirlar lalmikor mintaqada kuzgi arpa uchun qabul qilingan texnologik xarita bo'yicha o'tkazildi.

Tadqiqot natijalarining ko'rsatishicha 15-oktabrda ekilganda kuzgi arpaning Lalmikor navida bitta boshog'dagi donlar soni ekish me'yorlariga bog'liq holda 18,5 dan 15,2 dona gacha, Adir navida 19,6 dan 14,5 dona gacha o'zgardi.

Ekish me'yorini 2,0 mln/ga dan 2,5 mln/ga gacha oshirganda Lalmikor navida bitta boshog'dagi donlar soni 1,0 donaga kamaygan bo'lsa, Adir navida 1,9 donagacha oshganligi kuzatildi. Ekish 31-oktabrda o'tkazilganda har ikkala navda ham ekish me'yorlarining oshib borishi bilan boshog'dagi donlar soni kamayib borishi aniqlandi. 15-noyabrda ekilganda arpaning bitta boshog'dagi donlar soni ekish me'yorini 2,0 mln dan 3,0 mln gacha oshib borishi bilan Lalmikor va Adir navlarida mos ravishda 15,4-13,2 va 15,3 dan 11,9 gacha oshib bordi.

Ekish me'yorlarining oshib borishi bilan barcha ekish muddatlarida har ikkala navda 1000 dona donning vazni kamayib borishi qayd etildi. 1000 dona donning vazni ertagi muddatda (15.10) Lalmikor navida 58,2 dan 54,1 gacha, Adir navida 59,6 dan 57,8 gacha va kechki muddatda (15.11) ekilganda ekish me'yorlariga muvofiq

holda 56,6 dan 54,1 gacha, Adir navida 59,6 dan 57,8 gr gacha o'zgarishi kuzatildi.



1-rasm. Arpa navlarining don hosildorligiga ekish muddati va me'yorlarining ta'siri.

Don tarkibidagi oqsil miqdori 15-oktabrda ekilgan o'simliklar donida ekish me'yorlariga bog'liq holda 15,4 dan 14,9 gacha, o'rta muddat 31-oktabrda ekilganda 16,2 dan 14,2 % gacha, 15-noyabrda ekilganda 15,0 dan 14,5 % gacha, Adir navida erta muddatda 13,9 dan 13,4 gacha, o'rta muddatda 13,3 dan 14,1% gacha, kechki muddatda 14,8 dan 14,1% gacha o'zgarganligi qayd etildi.

Donning naturasi kuzgi arpaning Lalmikor navida ekish me'yorlariga bog'liq holda ertagi muddatda 666,8 dan 641,0 l/g gacha, o'rta muddatda 679,0 dan 670,7 l/g gacha, kechki muddatda 620,4 dan 617,2 l/g gacha, Adir navida ertagi muddatda 636,3 dan 633,9 l/g gacha, o'rta muddatda 637,8 dan 632,8 l/g gacha, kechki muddatda

1-jadval.

Kuzgi arpa navlarining don sifat ko'rsatkichlari (2021-2022 yy)

Ekish muddati	Ekish me'yori mln/ga	1 ta boshog'dagi don soni, dona	1000 dona don vazni, g	Dondagi oqsil miqdori %	Don naturasi, l/g
Lalmikor navi					
15.10	2,0	18,5	58,2	15,4	666,8
	2,5	16,4	57,4	15,0	664,7
	3,0	15,2	54,1	14,9	641,0
31.10	2,0	17,1	59,1	16,2	679,0
	2,5	18,1	57,4	14,2	673,4
	3,0	15,6	55,0	14,6	670,7
15.11	2,0	15,4	56,6	14,8	620,4
	2,5	14,9	55,3	15,0	618,3
	3,0	13,2	54,1	14,5	617,5
Adir navi					
15.10	2,0	19,6	59,6	13,9	636,3
	2,5	18,5	58,4	13,4	635,6
	3,0	14,5	57,8	13,4	633,9
31.10	2,0	18,7	55,0	13,3	637,8
	2,5	16,8	54,8	14,1	634,7
	3,0	13,1	52,6	13,9	632,8
15.11	2,0	15,3	52,4	14,6	634,8
	2,5	12,4	50,1	14,8	632,7
	3,0	11,9	49,5	14,1	630,8

634,8 dan 630,8 l/g gacha o'zgardi. Ekish muddatlarining kechikishi bilan don naturasining kamayib borish qonuniyati kuzatildi.

Hosildorlik bo'yicha Lalmikor navi 15-oktabrda ekilganda eng yuqori hosil 2,5 mln urug' ekilganda 20,6, 31- oktabrda ekilganda 22,1 va 15- noyabrda ekilganda 18,8 Adir navida ham shunday qonuniyatlar kuzatildi. Eng yuqori hosildorlik ekish muddatlari bo'yicha 31-oktabrda har ikkala navda 2,5 mln/ga unuvchan urug'ekilganda olingan.

XULOSALAR

O'tkazilgan tadqiqotlar natijasini tahlil qilish bilan quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Arpaning kuzgi Lalmikor va Adir navlari barcha ekish muddatlarida ekish m'eyorlarining oshib borishi

bilan boshqadagi don soni, 1000 dona don vazni, donning naturasi, dondagi oqsil miqdori kamayib borishi aniqlangan. Ekish muddatlarining 31 oktabrdan erta 15-oktabrda, yoki kech 15-noyabrda ekilishi boshqadagi donlar soni, 1000 dona don vazni, donning naturasi, dondagi oqsil miqdorining kamayishiga olib keladi.

2. Kuzgi arpaning hosildorligi Lalmikor va Adir navlarida eng yuqori hosildorlik 31 oktabrda ekilganda navlarga mos ravishda ekish m'eyori 2.5 mln l/ga bo'lganda 22.1 s/ga, 23.6 s/ga ni tashkil etgan. Ekish muddatini 15-oktabrga yoki 15 noyabrga o'tkazish hosildorlikni pasayishiga olib kelgan. .

3. Lalmikorlikda kuzgi arpaning Lalmikor va Adir navlari eng yuqori hosilni ekish m'eyori 2.5 mln/ga, ekish muddati 31-oktabr bo'lganda shakllantirishi aniqlangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Калашников В.А. Влияние сроков посева и минеральных удобрений на урожайность и качество зерна озимого пивоваренного ячменя сорта Сармат. // Современные принципы и методы селекции ячменя - сборник трудов научно-практической конференции. - Краснодар.-2007.- С.198-201.

2. Курбонов Г.К. Резервы повышения урожайности и количество семян ячменя. -Т. 1981.-с.77

3. Мирахмедов Ф.Ш., Абдумаликов У.З., Мамадалиева С. Б., Тухтасинов А. Зависимость урожайности озимого ячменя от органических и минеральных удобрений. // Современные тенденции развития науки и технологий. -2017. -№ 2-3. -С. 77-79.

4. Nurboyev S. Kuzda arpani ekish muddatlarini o'rganish // Fan va ishlab chiqarish integratsiyasi qishloq xo'jaligi samaradorligining muhim omili. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallar to'plami. 2-qism. Qashqadaryo, 2013. –B. 98-100.

5. Xalilov N. Kuzgi arpaning o'sishi, rivojlanishi va hosildorligiga ekish muddatlari va o'g'itlash me'yorlarining ta'siri // Agrar fani va ishlab chiqarishni rivojlantirishda yosh tadqiqotchilarning o'rni va istiqboldagi vazifalari. Statyor-tadqiqotchi-izlanuvchi, katta ilmiy xodim-izlanuvchi vamustaql tadqiqotchilarning ilmiy-amaliy anjumani to'plami. 2-qism. Qashqadaryo, 2012. -B.100-103.

6. Xalilov N., Jo'rayev N. Pivobop arpa yetishtirishda o'g'itlash me'yorlari va muddatlarining ta'siri qoladi. // Qishloq xo'jalik ekinlari seleksiyasi va urug'chiligini yanada yaxshilash muammolari. 1 jild.–Qashqadaryo, 2004. –B.24-26.

7. Xalilov N., Xo'jamqulov Q. Kuzgi arpa ekish muddatlari va me'yorlarining hosildorlikka ta'siri. // Sug'oriladigan yerlarda qishloq xo'jalik ekinlari seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish texnologiyasining muammolari. – Qashqadaryo, 2006. –B.137-138.

8. Янковский Н.Г. Технология возделывания ячменя на Дону. -Ростов н/Д: ООО «Терра», 2005. -224 с.

9. Ходжакулов Т., Файбуллаев С. Оценка комбинационной способности компонентов урожая зерна у яровой пшеницы. -Ташкент, 1991. –С. 16-20.

10. Маматкулов Т., Холдоров А. Арпа селекция учун лалми ерлар шароитида жуда эртапишар бошлангич манбалар. // Қишлоқ хўжалик фани ютуқлари-фермер хўжаликлари истиқболига» мавзусидаги профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2-қисм. -Қашқадарё, 2014. –Б. 83-85.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Худайбердиева Шахло Абдували қизи, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси 77), sxudayberdiyeva73@gmail.com ORCID ID 0000- 0001-8303-5054

Халилов Насриддин Халилович, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси 77), halolovnasriddin@gmail.com ORCID ID 0000- 0003-0230-1344

Поступило в редакцию 18.10.2022 г.

УДК: 631.87:633.11:631.51

КЎКАТ ЎЎИТЛАР ВА ЎТМИШДОШЛАРНИНГ КУЗГИ БУЎДОЙ УРУЎЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИ ВА ТУП СОИ ҚАЛИНЛИГИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ЗЕЛЁНЫХ УДОБРЕНИЙ И ПРЕДШЕСТВЕННИКОВ НА ПОЛЕВУЮ ВСХОЖЕСТЬ СЕМЯН И ГУСТОТУ СТОЯНИЯ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

INFLUENCE OF GREEN FERTILIZERS AND PREDECESSORS ON FIELD GERMINATION AND STAND DENSITY OF WINTER WHEAT

Обруев Гафур Бахриддинович, тадқиқотчи

Обруев Гафур Бахриддинович, соискатель

Obroyev Gafur Bakhriddinovich, applicant

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины,
животноводства и биотехнологией.

Samarkand state university veterinary medicine, livestock and biotechnologies

Аннотация. Тадқиқотларда кўрсатилишича, республикамізда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғликнинг сифати, экиш муддати ва меъёри, уруғларнинг дала унувчанлиги, туп сони қалинлиги ҳамда тупроқ унумдорлиги муҳим ўрин эгаллайди. Тупроқ унумдорлигини оширишда ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароити инобатга олган ҳолда минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ўғитларнинг ҳам тури ва меъёрини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қишлоқ хўжалик экинларидан бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлиб, бу ҳудуддаги тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш органик ўғитлар сифатида қўлланилган кўкат ўғитлар, ўтмишдош экинлар ва сомондан фойдаланишга бевосита боғлиқ.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида далага турли сидерат экинлари ни етиштириш орқали тупроқнинг хосса-хусусиятлари ижобий томонга ўзгариши натижасида кейинги экилган кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлигини ошишига, ўсимлик илдиэларининг яхши ўсиши, тармоқланиши натижасида буғдой майсаларининг яхши ўсиши ва ривожланиши таъминлаши аниқланди.

Таҷрибаларда дуққакли дон экинлари кўк нўхат ва мош илдиэларида кўплаб туганак бактериялари ҳисобига тўплаган биологик азот ва сидерат сифатида етиштирилган ўсимликлар биомассаси ҳисобига кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги ва натижада майдон бирлигидаги ўсимликларнинг туп қалинлигининг ошишига олиб келди.

Таҷрибаларда ҳар гектарида ўртача 6 т. сомони билан ҳайдалиб, ўрнига кўк нўхат, хантал ва мош экилган вариантларда кузги буғдой уруғлари унувчанлигининг назорат вариантыга нисбатан 3,6% гача (6т. сомон+хантал вариантыда), туп сонининг эса назорат вариантыдаги ҳар бир 1 м²да ўртача 433 дона/м² донадан 451 донагача (6т. сомон+хантал экилган вариантыда) ошишига олиб келиши аниқланди.

Калит сўзлар. Сидерат экинлар, кўкат ўғит, ўтмишдош, сомон, ўтлоқи бўз тупроқ, кўк нўхат, хантал, мош, ёзги шудгор, гумус, биомасса.

Аннотация: Исследованиями установлено, наряду с исследованиями плодородия почвы, использование качественных семян для посева характеризующиеся высокой полевой всхожестью, а также применение оптимальных норм и сроков посева озимой пшеницы являются одним из факторов получения высокого урожая и качественной продукции. Повышение плодородия почвы зависит, в свою очередь от научно-обоснованного использования, как органических, так и минеральных удобрений применяемых с учетом почвенно-климатических условий региона и возделываемых культур.

Установлено, что в условиях лугово-серозёмных почв Самаркандской области выращивание сидератных культур как зелёный горох и маш способствует, ее улучшению, за счет накопления биологического азота в почве и их зеленой биомассы. Это в свою очередь способствует повышению всхожести семян, создаются благоприятные условия для дальнейшего роста и развития озимой пшеницы.

В наших исследованиях в варианте посева зеленого гороха, горчицы и маша получены наибольшие показатели всхожести семян (99,3%), вместо 95,7% в контрольном варианте и всхожесть семян озимой пшеницы. Наилучшие показатели густоты стояния растений (до 451 шт/м²) также были получены в варианте посева горчицы с вспашкой соломы в объеме 6 т/га.

Ключевые слова: Сидеральные культуры, зелёные удобрения, предшественники, солома, лугово-серозёмные почвы, зелёный горох, горчица, маш, летняя пахота, гумус, биомасса.

Annotation: Studies have established, in addition to soil fertility, the use of high-quality seeds for sowing, characterized by high field germination, as well as the use of optimal norms and terms for sowing winter wheat, are one of the factors for obtaining a high yield and quality products. Increasing soil fertility depends, in turn, on the scientifically based use of both organic and mineral fertilizers applied taking into account the soil and climatic conditions of the region and cultivated crops.

It has been established that under the conditions of meadow-serozem soils of the Samarkand region, the cultivation of green manure crops like green peas and mung beans contributes to its improvement due to the accumulation of biological nitrogen in the soil and their green biomass. This, in turn, contributes to an increase in seed germination, creates favorable conditions for further growth and development of winter wheat.

In our studies, in the variant of sowing green peas, mustard and mung bean, the highest germination rates of seeds (99.3%) instead of 95.7% in the control variant and the germination of winter wheat seeds were obtained. The best indicators of plant density (up to 451 pcs/m²) were also obtained in the variant of mustard sowing with straw plowing in the amount of 6t/ha.

Key words: Sideral plants, green fertilizers, precursors, straw, meadow-gray soils, green peas, mustard, mash, summer plow, humus, biomass.

КИРИШ

Дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoatни хом-ашё, chorvachilikни эса озуқага бўлган талабини қондиришда ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда экинларнинг биологик хусусиятларини, тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда сидерат экинларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сидерат экинларни агро-иклим шароитларини эътиборга олган ҳолда уларнинг турли мақсадларда етиштиришга мос турларини танлаш, етиштирилган массасини майдалаб, бир текисда далага сочиш, турли муддат ва чуқурликларда тупроққа ҳайдаб юбориш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш – долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ер юзиде кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, ва бошқа мавжуд бўлган имкониятлардан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширишда, уни сақлашда қишлоқ хўжалик экинларини махсус тизим асосида алмашлаб экиш, ўтмишдошларни, сидерат экинларни алмашлаб экишдаги ўрнини аниқлаш, етиштириш технологиясининг илғор усулларини, шунингдек, барча илғор технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллаш ва амалиётга жорий этиш талаб этилади.

Ўзбекистон иқлими шароитида кўкат ўғитларнинг (сидерат экинларнинг), кузги буғдой ва бошқа донли экинларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги

ҳамда ҳосил сифатига таъсирини бир қанча йирик олимларимиз ўрганган.

Кейинги йилларда турли тупроқ-иклим шароитларда, кузги буғдойдан сўнг кўкат ўғит сифатида экилган дуккакли-дон ва қарамгулли экинларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга ҳамда экинларнинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишда Б.Халиков, Б.Избасаров, Ф.Намозов, А.Мансуров ва бошқалар томонидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. (Холиков, Избасаров, 2016; Халиков ва бошқ. 2017).

Республикаимиздаги бир қатор олимларнинг тадқиқотларида Самарқанд вилоятининг суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида оралиқ экинларнинг (рапс, жавдар, рапс+жавдар аралаш) барча яшил массасини кўкат ўғит сифатида чигит экишдан олдин 32-35 см чуқурликда ҳайдаб ташлаганда, тупроқ таркибидаги гумус, азот ва фосфор миқдори ошиши, тупроқнинг сув-физик хоссаларини (сув ўтказувчанлиги, ҳажм массаси, ғоваклиги, дондорлиги) яхшилаб ўзадан юқори (33,5-34,8 ц/га) ва сифатли ҳосил етиштиришга имконият яратилиши аниқланган (Ҳайдаров ва бошқ. 2016).

Ш.Ирназаровнинг тадқиқотларида тупроқдаги минерал ўғитлар қолдиқларининг кейинги тъсирида тақрорий тариқ етиштиришдаги соф фойда 90100 сўм/га, рентабеллик 86,2%, мош етиштиришдаги соф фойда 552000 сўм/га, рентабеллик 92,0 фоизни ташкил этган. Юқоридагиларнинг таъсирида ўртача дон ҳосилдорлиги 80,4 ц/га ни ташкил этиши натижасида соф фойда 1535600 сўм/га, рентабеллик 101,8% бўлиши таъминланган (Ирназаров, 2018).

Б. Избосаровнинг тадқиқотларида кузги буғдойдан кейин ғўза экилиб, N-200, P-140, K-100 кг/га меъёрларда озиклантирилганда тупроқдаги озика унсурларининг мувозанати қониқарсиз бўлиши, шунинг учун алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг албатта такрорий дон-дуккакли экинларни экиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган (Ирназаров, 2016).

М.Таджиев ва К.Таджиевларнинг таъкидлашича, кузги буғдойдан сўнг ҳар хил такрорий, оралиқ ва сидерат экинларни экиб, улардан сўнг ғўза икки йил давомида парвариш қилинганда ғўза ҳосили юқори бўлиши, айниқса, сидерат экинлардан кейин экилса, унинг ҳосили назорат вариантга нисбатан 13,0-18,7% юқори бўлиши аниқланган (Таджиев, Таджиев, 2015).

Мош, соя сингари дуккакли дон экинлари тупроқни биологик азот билан бойитади. Агарда дуккакли дон экинлари ем-хашак учун етиштирилганда уларни йиғиштириб олиш гуллаш ва ундан кейинги фаза-ларида ўтказилса, тупроқни азотга бойитиши талаб даражасида бўлади. Бу кўрсаткич ҳосилдорликка ҳам ўз таъсирини кўрсатади. (Иминов, Халиков, 2015).

Р. Абдумўминованинг (2013) тажрибаларида, кўкат экинларидан – тифон, жавдар ва кўк нўхат соф ҳолда экилганда қиёсан 375,0 ц/га; 358,6 ц/га; 305,4 ц/га, тифон, жавдар ва кўк нўхат қўшиб экилганда 431,6; 369,9 ц/га ва сўнги уч компонентли вариантда эса энг юқори, яъни 475,3 ц/га биомасса ҳосили олинган (Абдумўминова, 2013).

Карамгулдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликлардан кўкат ўғит сифатида фойдаланиш баҳорги ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширади. Ўрта қумоқ подзол тупроқларда олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, карамгулдошлар оиласига мансуб бўлган баҳорги рапс, сариқ хантал ва мойли лавлагини сидерат экини сифатида кузги ғалладан бўшаган ерларга экиш ва кузда тупроққа ҳайдаб ташлаш баҳори арпа ҳосилдорлигини назоратга нисбатан 0,15-0,29 т/га (3,21-3,35 т/га) га оширади (Глушков, 2018).

Кўкат ўғитлар бир неча афзалликларга эга, биринчидан - уларнинг кимёвий таркиби қишлоқ хўжалик экинларининг кимёвий таркибига жуда яқин, иккинчидан-уларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган органик моддалар атроф муҳитга зарарсиз ҳамда тупроқдан ювилиб кетмайди, учинчидан-ўғитни ташиш, сақлаш ва қўллаш учун ортиқча ҳаражатлар талаб қилмайди, тўртинчидан - иқтисодий самарадорлиги гўнг қўллаганга нисбатан 3-4 марта юқори (Лошаков, 2018).

МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР

Дала шароитидаги изланишлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмасига мувофиқ олиб борилди. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) усули билан математик таҳлил қилинди.

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани “Бахриддинов Шохжаҳон” фермер хўжалиги даласида 2015-2017 йилларда ўтказилди.

Дала тажрибаларида сомон, ўтмишдош ва сидерат

экинларнинг кузги буғдой ҳосили, сифати таъсирини таҳлил қилиш мақсадида буғдой йиғиштириб олинган-дан сўнг амалга оширилди. Тажрибаларда синалган омиллардан ташқари барча агротехнологик тадбирлар хўжалиқда умумқабул қилинган агротехнологик тадбирлар асосида олиб борилди.

Кузги буғдойдан бўшаган майдонлар сифатли шудгор қилиниши ва тупроқда нам тўплаш мақсадида гектарига 650 м³ суғорилиб, тупроқ етилиши билан ПН-4-35 русумли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинди. Шудгорланган дала бороналаниб, мола билан яхшилаб текисланди. Июль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтмишдош экинлардан хантал, кўк нўхат, мош уруғлари тажриба тизими асосида экилди. Уруғлар бир текис униб чиққандан сўнг агротехник тадбирлар ўтказилди ва ҳосил етилгунича назорат қилиб парваришлаб борилди. Сидерат сифатида фойдаланилган вариантларда эса ёппасига гуллашгача парваришланиб, кейин етиштирилган масса ерга ҳайдаб юборилди.

Тажриба даласида сидерат экинлар экилган майдонларга ҳам, ўтмишдош экинлар экилган майдонларга ҳам кузги буғдой экилди. Кузги буғдой экишдан олдин N₁₈₀P₉₀K₆₀ кг/га меъёрда минерал ўғитлар (таъсир қилувчи модда ҳисобида) қўлланилди. Фосфорли ва калийли ўғитлар шудгорлашдан олдин берилди. Азотли ўғитлар ўсимликларнинг вегетация даврида амалдаги тавсияномалар асосида қўлланилди.

Ўтмишдош ва сидерат экинларнинг хусусиятларини инобатга олинган ҳолда уларнинг етиштириш агротехникаси ўрганилиб, кузги шудгор ўтказилди, чизель, борона қилиниб мола босилди ва экишга тайёрлаб қўйилди. Тажриба даласида кузги буғдой уруғлари экишдан олдин қиздирилиб, тоннасига 2,5 кг Фундазол 50% н.к.к. ҳамда 2,0 кг Понактин 35 % с.э. препаратлари билан дориланди.

Уруғлар октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 4,5 млн уруғ ҳисобида СЗН-3,6 сеялкасида қатор ораси 15 см, экиш чуқурлиги 4-5 см қилиб экилди. Экинзорни суғориш ўсув даврида тупроқ намлигини ҳисобга олган ҳолда 700-750 м³/га меъёрида 3-4 марта ўтказилди ва шунга мос равишда суғориш меъёри Чиполетти сув ўлчагичи ёрдамида ҳисобга олинди.

Ҳаво ҳарорати ўртача 15-17 °C бўлганда (март ойининг охирида) экин майдони бегона ўтларга қарши Гранстар 75%, Фенизан гербицидлари билан 20-25 г/га меъёрда ишлов берилди.

Дон пишиб етилганидан сўнг ҳар бир вариантдан алоҳида-алоҳида қилиб ўриб, йиғиштириб олинди.

Кузги буғдойнинг Краснодарская 99 навида ривожланиш давларининг қуйидаги муддатлари ҳисобга олинди: униб чиқиш, тупланиши, найчалаши, бошоқлаши, гуллаш ва доннинг (сут, мум, тўлиқ) пишиши. Ўсимликларнинг ривожланиш фазаларига киришининг бошланиши (10%) ва шу фазага ёппасига кириши (75%) қайд қилиб борилди.

Тажриба даласидаги кузги буғдой уруғларининг дала шароитидаги унвчанлиги (%), ўсимликнинг туп

сон қалинлиги (дона) кузда қишладан олдин ва кейин ҳамда ҳосилни йиғиштириб олишдан олдин 1 м² доимий белгиланган пайкалчалардаги барча вариант ва такрорликларда ҳисобга олинди.

НАТИЖА ВА МУНОЗАРАЛАР

Кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги уруғликнинг сифатига, экиш муддати ва меъёрига бевосита боғлиқ бўлиши билан бирга, тажрибада қўлланилган омиллар таъсирида ҳам унувчанликнинг вариантлари бўйича фарқланиши аниқланди. Бунда кўк нўхатдан гектарига 8,0-8,5 тонна биомасса олинганлиги, ханталдан 11,5-12,0 т/га ва мошдан 7,0-8,0 т/га биомасса етиштирилганлиги ҳисобига тупроқнинг умумфизик, сув-физик, микробиологик ва агрохимёвий хосса-хусусиятлари яхшиланиши аниқланди. Бунинг натижасида кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги тажриба-


нинг биринчи йилида (2015 йил) 86,2-89,6%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда ўтказилган тажрибаларда 87,2-90,4 ва 2017 йилда ўтказилган тажрибаларда эса 86,7-91,0%ни ташкил этганлиги аниқланди.

Уруғларнинг дала унувчанлигининг энг паст кўрсаткичи ҳар уч йилда ҳам ёзги шудгор (назорат) вариантыда кузатилган бўлса, 6 т сомон+ёзги шудгор вариантыда бу кўрсаткич ёзги шудгор (назорат) вариантыга нисбатан йиллар кесимида 0,6%, 0,4% ва 1,5% кўплиги аниқланди (1-жадвал). 6 т сомон шудгор қилиниб, кўк нўхат, хантал, мош сидерат сифатида экилган вариантларда кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги энг юқори бўлганлиги, ушбу экинлар сомонсиз экилган вариантларда эса кўрсаткичнинг бироз пастлиги қайд қилинди. Ушбу ҳолат 6 т сомоннинг чириндига айланиши ва тупроқнинг хосса-хусусиятларини

1-жадвал.

Кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги (2015-2017 йй.)

№	Тажриба вариантлари	1 м ² да униб чиққан туплар сони, дона				Дала унувчанлиги, %			
		2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўртача	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўртача
1	Ёзги шудгор (назорат)	431	436	434	433	95,2	96,2	95,7	95,7
2	6 т сомон+ёзги шудгор	434	438	441	437	95,8	96,6	97,2	96,5
3	6 т сомон+кўк нўхат	445	449	451	448	98,0	98,8	99,2	98,6
4	6 т сомон+ хантал	448	452	455	451	98,6	99,4	100	99,3
5	6 т сомон+мош	447	445	449	447	98,4	98	98,8	98,4
6	Кўк нўхат	434	438	442	438	95,8	96,6	97,4	96,6
7	Хантал	442	448	450	446	97,4	98,6	99	98,3
8	Мош	442	447	448	445	97,4	98,4	98,6	98,1



ижобий томонга ўзгартирганлиги билан изоҳланади.

Кузги буғдой уруғларининг дала унвчанлигини тажриба йиллари бўйича таҳлил қилишдан маълум бўлишича, энг юқори кўрсаткичлар тажрибанинг учинчи йилида (2017 йил) қайд этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳолат тажрибалар стационар ўтказилганлиги билан боғлиқ ҳолда, ҳар йили кўплаб биомасса тупроққа киритилганлиги билан изоҳланади. Тупроққа киритилган биомассанинг тупроқ хоссаларига ижобий таъсири натижасида, тупроқнинг иссиқлик режими, умумфизик хоссалари яхшиланиши уруғларнинг дала унвчанлиги тажрибанинг учинчи йилида биринчи ёки иккинчи йилдагига нисбатан устунлик сезиларли бўлди.

Кузги буғдойнинг 1 м² майдонда униб чиққан туплар сони тажриба вариантларида йиллар кесимида 431-448 дона (2015 йил), 2016 йилда 436-452 дона ва 2017 йилда 434-455 донани ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичлар 6 т сомон шудгорланган далага сидерат экинлар экилган вариантларда қайд этилди (1-расм).

ХУЛОСАЛАР

Шундай қилиб, Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой сомони йиғиштирилган ва йиғиштирилмаган

далага турли сидерат экинларни етиштириш орқали тупроқнинг хосса-хусусиятлари ижобий томонга ўзгаради, бунинг натижасида сидератдан кейин экилган кузги буғдой уруғларининг дала унвчанлиги юқори бўлиши кузатилади, уларнинг илдизлари яхши ўсиши, тармоқланиши учун қулай тупроқ зичлиги ҳосил бўлади. Ушбу шароитда кузги буғдой майсалари яхши ўсиши, ривожланиши таъминланади.

Бундан ташқари, дуккакли дон экинлари кўк нўхат ва мош илдизларида кўплаб туганак бактериялар ҳосил бўлади, кўп миқдорда биологик азот тўпланади. Бу миқдордаги биомасса ва биологик азот тупроқ унвдорлиги ошишига таъсири ижобий тарзда бўлишини инobatга олиб, бу экин турларидан сидерат сифатида фойдаланиш кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишга замин яратади.

Тажрибаларда ҳар гектарида ўртача 6 т. сомони билан ҳайдалиб, ўрнига кўк нўхат, хантал ва мош экилган вариантларда кузги буғдой уруғлари унвчанлигининг назорат вариантыга нисбатан 3,6% гача (6 т. сомон+хантал вариантыда), туп сонининг эса назорат вариантыдан ҳар бир 1 м²да ўртача 6 т. сомон+хантал экилган вариантда 18 донгача юқори бўлганлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдумўминова Р.Н. Кўкат ўғитини қўллашда экологик муҳит ва шафтоли ҳосилдорлиги. /Селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2013. –Б. 12-13.
2. Глушков В.В. Паживные сидеральные культуры и продуктивность ярового ячменя. //Плодородие. –М., 2018. -№ 4. -С. 39-41.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.: Агропромиздат, 1985. -351 с.
4. Ирнazarов Ш. Минерал ўғитларнинг кузги буғдой ва анғизда етиштирилган такрорий экинлар иқтисодий самардорлигига таъсири // Агро илм. 2018. -№.1(51). –Б. 93-94.
5. Избосаров Б. Такрорий экинлар анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда озиқа элиментлари. //“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2016. -№. 11. –Б. 32.
6. Иминов А., Халиков Б. Дуккакли дон экинларининг тупроқ унвдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири // Агро илм. 2015. - № 5. – Б. 17-18.
7. Лошаков В.Г. Зеленое удобрение как фактор повышения плодородия почвы, биологизации и экологизации земледелия. //Плодородие. 2018. -№ 2. -С. 26-29.
8. Таджиев М., Таджиев К. Оралиқ ҳамда сидерат экинлари ва ғўза ҳосилдорлиги. //Агро илм. 2015. -№. 5. –Б. 28-29.
9. Холиқов Б., Б.Избасаров. Ғалладан бўшаган майдонларга мош етиштириш. //“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали. 2016. -№. 6.–Б. 6.
10. Халиков Б., Иминов А., Намозов Ф. Оралиқ экинлар — чорвага озуқа, ерга ўғит. //“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали. 2017. -№. 9. –Б. 24-25.
11. Ҳайдаров К., Мўминов К., Пўлатов А. Эрозияга учраган бўз тупроқлар агрофизикавий хоссаларини яхшилаш ва пахта ҳосилини оширишда сидератларнинг ўрни. //“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали. 2016. -№. 12. –Б. 28.
12. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. 147 б.

Муаллиф ҳақида маълумот

Обрўев Ғафур Бахриддинович – Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси 77), g'afur.obro'yev@mail.ru ORCID ID 0000- 0001-6329-0517

Поступило в редакцию 09.11.2022 г.

АГРОКИМЁ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК

УЎТ: 633.51:631.811.3/459

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ЧАЛИНГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР
ШАРОИТИДА ҚўЛЛАНИЛГАН КАЛИЙЛИ ЎғИТНИНГ ЎСИМЛИК
ОРГАНЛАРИДАГИ ОЗИҚА УНСУРЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА
ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ**

**ВЛИЯНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ НОВОГО ВИДА КАЛИЙНОГО
УДОБРЕНИЯ НА СОДЕРЖАНИЕ ПИТАТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ
В ОРГАНАХ РАСТЕНИЙ И НА УРОЖАЙ ХЛОПКА-
СЫРЦА В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНОГО СЕРОЗЕМА ПОЧВ
ПОДВЕРГАЮЩИХСЯ ВОДНОЙ ЭРОЗИИ**

**THE INFLUENCE OF THE APPLICATION OF POTASSIUM
FERTILIZER ON NUTRIENT CONTENT OF COTTON PARTS AND
SEED-LINT YIELD IN THE CONDITION OF TYPICAL SIEROZEM
SOILS PRONE TO IRRIGATION EROSION**

Исмаилов Жуманазар Исмамович,

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим,

Тиллабеков Ботир Хасанович,

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,

Ниязалиев Бегали Ирисалиевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,

Исмаилов Жуманазар Исмамович

доктор философии по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник

Тиллабеков Ботир Хасанович

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник,

Ниязалиев Бегали Ирисалиевич

доктор сельскохозяйственных наук, профессор,

Ismayilov Jumanazar Ismatovich

PhD in agricultural sciences, senior researcher

Tillabekov Botir Hasanovich,

PhD in agricultural sciences, senior researcher,

Niyazaliev Begali Irisolievich

DSc in agricultural sciences, professor

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton breeding, seed production and agritechnologies research institute

Аннотация. ПСУЕАИТИ тажриба участкасининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида маҳаллий калий ўғитини азот ва фосфор ўғити фонига қўллаш муддатлари ўрганилди. Изланишлар натижасида калий ўғитини ўсимлик озиқланишни ўзлаштирилишига таъсирлари тўғрисида бир қатор маълумотлар аниқланди. Булар асосан шундан иборатки, минерал ўғитлар орасида калий ўғити муҳим ўринни эгаллаб, ўсимликларда ҳаракатчан ҳолатда, айниқса, ўсувчи ва баргларда кўп бўлади.

Тажибаларда аниқланишича ғўза қийғос гуллаган даврда унинг калийга муҳтожлиги аниқ билинади. Ҳосил шаклланиш даврида калий етишмаса ўсимликда модда алмашиниш жараёни ва хусусан ташқи конусларида кўсак ҳосил бўлиши бузилади, ўсимлик учун зарур бўлган органик бирикмалар тўпланиши жуда секин кечади. Ҳосил қанча кўп бўлса, ўсимликнинг калийга талаби шунча ортади. Бу ўсимликнинг ички органларига азот ва бошқа озиқ элементларининг кўп шимилиши ва фойдаланиши, пластик моддаларнинг кўпайиши ва ҳаракатланиши билан изоҳланади.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларда сув эрозиясига чалинган типик бўз тупроқларнинг ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда унумдорлигини ўзгариши натижасида қўлланилган калийли ўғит меъёрлари ва муддатларининг ғўзада озиқа моддаларни ўзлаштирилишига таъсири турлича бўлиши аниқланган.

Калит сўзлар: эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, ғўза, ирригацион эрозия, азот, фосфор, калий, қўллаш муддатлари, умумий ва ҳаракатчан турлари, озиқа моддаларнинг ўзлаштирилиши, пахта ҳосили.

Аннотация. Изучено влияние сроков внесения местного калийного удобрения на фоне азота и фосфора в условиях типичных сероземных почв подвергавшихся водной эрозии на полевом участке НИИССАВХ. Определены некоторые данные о влиянии калийных удобрений на усвоение питательных веществ растений. Это в основном состоит в том, что, калий занимает основное место среди минеральных удобрений и в растительных органах калий содержится в подвижной форме и наиболее содержание отмечено, особенно растущих и молодых органах. В исследованиях определено, что потребность калия во время цветения хлопчатника возрастает, но в плодообразование нехватка калия нарушает в растений процесс обмена веществ и образование коробочек. Вследствие, необходимые органические вещества в растениях медленно образуются. Чем больше урожай хлопка-сырца, тем больше в растений возрастает и потребность в калие. Это связано с тем, что в внутренние органы растения, при использовании азота и других питательных веществ к времени плодообразования с наступлением процесса усиленного перемещения пластических веществ из вегетативных в репродуктивные органы значение калия в живой клетке растений резко возрастает. В условиях подверженных к ирригационной эрозии типичных сероземов, эффективность норм и сроков внесения калийных удобрений на усвояемость питательных веществ хлопчатником зависит от степени эродированности и изменения плодородия почв.

Ключевые слова: староорошаемый типичный серозем, хлопчатник, водная эрозия, азот, фосфор, калий, сроки внесения, валовые и подвижные формы, усвоение питательных веществ, урожай хлопка-сырца.

Abstract: The influence of the application timing of local potassium fertilizer on the background of application of nitrogen and phosphorus in a typical serozem soil prone to irrigation erosion at the experimental station of CBSARI was studied. Some data on the effect of potassium fertilizer application on the nutrient uptake of plant have been determined. These mainly consist in the fact that potassium occupies the main place among mineral fertilizers and in plant organisms potassium is contained in a mobile form and the highest content is noted especially in growing and young organs. The requirement for potassium during the flowering of cotton increases, but in fruit formation, the lack of potassium is disturbed in the plant's metabolic process and the formation of bolls. Due to the necessary organic matter for the plant is slowly formed. The greater the yield of raw cotton, the more plants increase to the need for potassium. This is due to the fact that the internal organs of the plant use nitrogen and other nutrients and by the time of fruit formation, with the onset of the process of increased movement of plastic substances from the vegetative to the reproductive organs, the value of potassium in living cell of plants increases sharply. In conditions of typical serozems subject to irrigation erosion, the effectiveness of the norms and terms of applying potash fertilizers on the absorption of nutrients by cotton depends on the degree of erosion and changes in soil fertility.

Keywords: old irrigated typical serozem, cotton, irrigation erosion, nitrogen, phosphorus, potassium, application timing, total and movable form, nutrient uptake, cotton seed-lint yield.

КИРИШ

Ўсимликлар, шунингдек, ғўзанинг ўсиб ривожланиши, барг сонининг кўпайиши ва илдиз тизимини катталашуви натижасида уларнинг озиқа унсурларининг (NPK) барчасига бўлган талаби ҳам орта боради (Белоусов, 1964).

Д.Н.Прянишников, М.А.Белоусовларнинг фикрига кўра, ўсимликларда ассимиляцияловчи органлар биринчи чин барг ҳосил бўлиш даврида яхши ривожланмаган бўлади, шу сабабли умумий сингдириш қобилияти ҳам паст бўлади. Шунингдек, ўсимлик азот билан юқори меъёрларда озиқлантирилса, эрта даврларда, уларда аммиакли азотнинг тўпланиши кузатилади, ортиқча аммиак эса ўсимлик ўсишига салбий

таъсир кўрсатади (Прянишников, 1945).

Т.П.Вайс, С.А.Кудрин, Т.П.Пирахунов, Л.Н.Толстовларнинг таъкидлашича, ўсимликларнинг ривожланиш даврининг дастлабки пайтида, озиқа таркибида фосфатларнинг бўлиши, баргдаги анорганик фосфатлар, фосфолипидлар ва нуклеопротеидлар миқдори оширади. Агар озиқа таркибида азот камроқ бўлиб, кўпроқ фосфор ва калий бўлса, ўсимликнинг озиқланиш тартиби бузилади (Вайс, 1990; Кудрин, 1947; Пирахунов, 1977). С.Б.Рысбаев томонидан типик бўз тупроқларда ўтказган изланиш натижаларига кўра, калийнинг умумий, алмашинувчан ва кислоталарда эрувчи ноалмашинувчан бирикмалари унинг потенциал ва яқин резервларининг нураши ва тупроқ ҳосил

бўлиш жараёнларига ҳамда тупроқ ҳосил қилувчи жинсининг генезиси ҳамда литолого-минералогик таркибига ва улар минерал массасининг трансформацияси характерига боғлиқлиги аниқланган.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, ўсимлик учун унинг ривожланиш даврига мос келадиган миқдорда озика унсурлари, шу жумладан калий ҳам зарур экан. Қолаверса, маҳаллий калий ўғитини қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда ўсимликка озика унсурларининг ўтиш миқдорлари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Бизнинг илмий тадқиқотларимизда ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида калийли ўғитнинг мақбул муддатлари ва ресурс тежовчи технология сифатида (захира ҳолда) тупроқни ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда қўллашнинг ғўзадаги самардорлиги ўрганилган.

МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР

Дала тажрибаларини ўтказишда ЎзПТИ Дала тажрибаларини ўтказиш услубидан (2007) фойдаланилди. Дала тажрибаларидан олинган тупроқ ва ўсимлик намуналарини агрохимёвий таҳлили "Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах" (1963) ва "Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии" (1977) усулномалари бўйича аниқланди.

Тажриба 18 та вариант, 3 қайтариқ ҳамда 3 ярусда (тупроқнинг кучли, ўртача ювилган ва ювилиб тушган қисми) олиб борилиб, делянкалар майдони $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$, ҳисоблиси 72 м^2 ни ташкил этган. Ёўзанинг "Наврўз" нави экилган. Тажрибада қуйидаги маъдан ўғитлар турлари қўлланилган: аммиакли селитра (N-34 %), супрефос (N-10 %, P_2O_5 -22-23 %), маҳаллий калий хлор (K_2O -60 %).

НАТИЖА ВА МУНОЗАРАЛАР

Тажрибани бошлашдан аввал эрозияга чалинган типик бўз тупроқнинг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқланди. Унга кўра дала тупроғининг кучли ювилган қисмида 0-30 ва 30-50 см қатламларида чиринди миқдори муносиб равишда 0,704-0,665 %, умумий азот – 0,065-0,057 %, фосфор – 0,080-0,065 %, N-NO_3 -2,16-1,74 мг/кг, P_2O_5 -10,7-9,1 мг/кг ва K_2O -160-155 мг/кг ни; тупроқнинг ўртача ювилган қисмида юқоридаги кўрсаткичлар муносиб равишда 0,910-0,750 %, 0,084-0,070 %, 0,095-0,075 % ва 15,1-10,8; 18,1-10,2; 240-190 мг/кг ни; ювилиб тушган қисмида эса – 1,010-0,850 %, 0,110-0,080 %, 1,010-0,090 % ва 25,0-18,0; 25,2-19,2; 352-240 мг/кг ни ташкил этган.

Ёўзани вегетация даври охирида олинган ўсимлик намуналарида ўтказилган агрохимёвий таҳлил натижаларга кўра тупроқнинг кучли ювилган қисмидаги назорат (калийсиз) вариантда ғўза баргларидаги умумий азот, фосфор ва калий миқдори мос ҳолда 1,69; 1,27 ва 1,42 % ни, пояда 0,63; 0,57; 1,25 %, чаноқларда 1,39; 0,61; 2,44 % ва пахтада 2,17; 0,87; 0,81 % ни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, умумий азотнинг нисбатан кўпроқ қисми пахтада, фосфор баргларида ва калий чаноқларда бўлганлиги аниқландики, бу ҳолат ёўзанинг пишган даврида озика унсурларини вегетатив бўлақлардан генеративлари томон силжишини кўрсатади.


Яна шуни айтиш керакки, калий ўғити қўллаш муддатлари ва меъёрларидан қатъий назар назоратга нисбатан озика унсурларини ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига мақбул таъсир кўрсатади. Вариантлар орасида нисбатан юқори кўрсаткичлар калий ўғити 2 марта (50 кг/га кузги шудгорда ва 50 кг/га ёўзани шоналаш даврида) қўлланилганда ва захира ҳолда (300 кг/га) кузги шудгорда қўлланилганда олинди. Бу (2 ва 5) вариантларда пахтада умумий NPK миқдорлари 2,22 ва 0,93; 1,05 % ва 2,21; 0,94; 1,02 % ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 0,05; 0,06; 0,24 ва 0,04; 0,07; 0,21 % га кўпроқ бўлди.

Ўсимликларнинг озика унсурларини ўзлаштириши тупроқнинг кучли ювилган қисмига нисбатан ўртача ювилганда яхшироқ бўлганлиги кузатилди. Бу ҳолатда назорат вариантыда пахтада умумий NPK миқдорлари 2,20; 0,91 ва 0,89 % ни ташкил қилиб, кучли ювилган қисмидаги назоратга нисбатан 0,03; 0,04; 0,08 % га юқори бўлди. Қолаверса қолган вариантларда ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланган ҳолда нисбатан кўпроқ NPK миқдорлари яна калий ўғити 2 марта ва захира ҳолда солинганда аниқланди. Лекин бу ярусда (ўртача ювилган қисмда) 8-вариантда пахта таркибидаги NPK миқдорлари назоратга нисбатан 0,010; 0,08; 0,11 % га юқори бўлган бўлса, тупроқнинг кучли ювилган қисмидаги параллел варианты (2) нисбатан 0,08; 0,04; 0,05 % га юқори бўлди. Худди шундай ҳолат калий ўғити захира ҳолда (300 кг/га) қўлланилган (11) вариантда ҳам аниқланиб, NPK миқдорлари назоратга нисбатан 0,07; 0,04; 0,011 % га, юқоридаги (5) параллел вариантга нисбатан эса 0,06; 0,01; 0,08 % га кўпроқ бўлганлиги таҳлил қилинди.

Тупроқнинг сув таъсирида ювилиб тушган пастки қисмида (ярус) барча вариантларда озика унсурлари (юқори қисмларга нисбатан) ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Тупроқнинг ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда қўлланилган калий ўғитларининг ғўза томонидан ўзлаштирилиши юқори ярусдан пастга томон бироз пасайганлиги кузатилдики, бу ҳолатни ўсимликлар озика унсурларини нафақат қўлланилган (N-200 , P_2O_5 -140, K_2O -100 кг/га) меъёрлардан, қолаверса, юқоридан ювилиб тушган қисмларидан ҳам ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

Пастки ярусда нисбатан юқори кўрсаткичлар калий ўғити захира ҳолда қўлланилган (кузги шудгорда) 17-вариантда олинди ва NPK миқдори пахтада 2,32; 1,07 ва 1,11 % ни ташкил қилиб, ўртача ювилган қисмида параллел вариантдан 0,05; 0,12 ва 0,01 % га юқори бўлганлиги аниқланди.



Расм. Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида (тупроқнинг кучли ва ўртача ювилган ҳамда ювилиб тушган қисмларида) қўлланилган калийли ўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири.

Тажрибада агрохимёвий таҳлилларнинг натижаларига кўра тупроқ унумдорлиги унинг ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда юқори ярусдан пастга томон орта борганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тупроқнинг кучли ювилган (юқори) қисмида калий ўғити қўлланилмаган ($N-200$, P_2O_5-140 кг/га) назорат вариантыда икки йилда ўртача пахта ҳосили 30,6 ц/га ни ташкил этди. Нисбатан юқори натижалар калий ўғити тавсиялар асосида 50 кг/га кузги шудгорда ва 50 кг/га ғўзани шоналаш даврида қўлланилганда пахта ҳосили 35,3 ц/га, қўшимчаси эса 4,7 ц/га тенг бўлди (расм).

Тупроқнинг ўртача ювилган қисмида назорат вариантыда 2 йилда ўртача пахта ҳосили 33,6 ц/га ни ташкил қилган ҳолда кучли ювилганига нисбатан 3,0 ц/га юқори бўлди. Калий ўғити тавсиялар асосида қўлланилган вариантда икки йилда ўртача 37,3 ц/га ни

ташкил қилган ҳолда 3,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди.

Типик бўз тупроқнинг сув эрозияси таъсирида ювилиб тушган (пастки) қисмида назорат вариантыда икки йилда ўртача пахта ҳосили 36,7 ц/га ни ташкил қилган ҳолда, кучли ва ўртача ювилган қисмларидаги назорат вариантларига нисбатан 6,1 ва 3,1 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди, лекин қўлланилган калий ўғитларидан олинган қўшимча пахта ҳосили нисбатан пасайганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув эрозиясига чалинган типик бўз тупроқларнинг ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда унумдорлигини ўзгариши натижасида қўлланилган калийли ўғит меъёрлари ва муддатларининг ғўзадаги самарадорлиги турлича бўлиши аниқланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Белоусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. Ташкент, Изд-во «Узбекистан», 1964.- 176 с.
2. Белоусов М. А. Некоторые вопросы питания растений хлопчатника. //Хлопководство.- Ташкент, №11, 1954.- С. 3-4.
3. Вайс Т. Влияние калийных удобрений на баланс калия при бессменном возделывании хлопчатника и в севообороте. -Ташкент, 1990.- С. 21-23.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007. 147 б.
5. Кудрин С. А. Фосфор в сероземе. «Известия АН УзССР», 1947, № 1, С. 28-31.
6. Пирахунов Т.П. Фосфорное питание хлопчатника в различных почвенных условиях. Ташкент, Изд-во «Фан», 1977.- 180 с.
7. Прянишников Д. Н. Азот в жизни растений и в земледелии СССР. М., АН СССР, 1945.-212 с.
8. Рысбаев С.Б. Калий, его формы и резервы в типичных сероземах Чирчик-Келесского водораздела в связи с генезисом и литолого-минералогическим составом почвообразующих пород. Автореф. дисс. на соискание уч. степ. канд.биолог.наук.Ташкент.2006.-С.25

9. Толстова Л.Н. Калий в основных почвах природных регионов Узбекистана. Ташкент, Издательство «ФАН» АН Уз ССР, 1991. - С. 118.

10. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. 3-е переработанное и дополненное издание. –Ташкент, 1963. -С. 439.

11. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. СоюзНИХИ. Ташкент, 1977. - С. 187.

Муаллифлар ҳақида маълумотлар:

Исмайлов Жуманазар Исматович Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2.) ORCID ID <https://orcid.org/0000-0002-2209-2933>

Тиллабеков Ботир Хасанович Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қ.х.ф.н. (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2.) ORCID ID <https://orcid.org/0000-0001-9122-6491>

Ниязалиев Бегали Ирисалиевич Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қ.х.ф.д., профессор (Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2.) ORCID ID <https://orcid.org/0000-0002-6930-2707>

Поступило в редакцию 20.10.2022 г.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” УЮШМАСИГА 30 ЙИЛ ТЎЛДИ!

Мамлакатимизда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда илм-фан соҳасида тадқиқот олиб бораётган, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишда алоҳида иқтидор эгаси ҳамда ижодий, интеллектуал ва ихтирочилик қобилиятига эга хотин-қизларни муносиб рағбатлантириш, шу билан бирга юксак салоҳият эгаларини эътибор ва эътироф этиш мақсадида ташкил этилган Республика хотин-қизлар “Олима” уюшмаси юзлаб олималарни кашф этди!

Уюшма фаолияти давомида фан-таълим, адабиёт ва санъат, муҳандислик, технология, наинки, кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жавлон ураётган аёлларимизнинг илмий-ижодий салоҳиятини ривожлантириш, амалий ва инновацион тадқиқотлари натижасини амалиётга татбиқ этишда энг яқин кўмакчи вазифасини ўтади, десак муболаға бўлмас. Уюшма аъзолигидаги олималаримиз сафи кенгайиши баробарида барча соҳаларда “Устоз-шогирд” анъаналари янада ривож топди.

Бугунги кунда олималаримиз нафақат ривожланган хорижий мамлакатлар нуфузли илмий марказлари, олийгоҳлари-ю ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишди, балки хорижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда фаол иштирок этмоқдалар. Зиёли хотин-қизларимиз ташкиллаштираётган семинар-тренинглар янги-янги истеъдодларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси 30 ёшни қарши олар экан, эзгулик йўлида ташкил этилган ташкилот яна узоқ йиллар фаолият юритишига, юртимиздаги илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи олималаримиз меҳнатларини муносиб тақдирлашдек савобли ишда бардавом бўлишини истаб қоламиз.

Байрамингиз муборак, азиз олима аёллар!

Тошкент вилояти хотин-қизлар Олима уюшмаси

Олима аёл...

*Елкасида тоғдек юкни орқалаб
Нафис вужудида не сурар хаёл,
У ҳам бошқалардек эътибор талаб,
Лек мақсади улкан олима аёл.*

*У моҳир муҳандис, ўлчови аниқ,
У қурган бинолар осмонни ўпар.
Бор меҳрин беради ишига бешак,
Лек ҳар кеч уйда болалари кутар..*

*У етук шифокор ўзни унутиб,
Не-не дарди борга дармон бўлган.
Жарроҳлик устида ўтган бир кун,
Ўз ўғлин тўйига аранг келолган...*

*У зукко пахтакор, касбини суйган,
У яратган навлар хирмони тоғдир.
Аммо у ҳам аёл – гоҳ кулиб, куйган,
Ҳар қадами гулзор, бўстондир, боғдир.*

*Энг эзгу тилаклар сен учун бу кун,
Ташвишларни унут бир зум, бир хиёл.
Сен миллат шаънисан, мамлакат шаъни,
Қадри тоғдан баланд, олима аёл!*

Нурбек.

ҚИСКА АХБОРОТЛАР

«УМНЫЕ» СОРТА ОТЕЧЕСТВЕННОЙ СЕЛЕКЦИИ

Президент Международной хлопковой ассоциации Антонио Эстив в одном из интервью, данным в период проведения VIII Международной хлопковой ярмарке в Ташкенте, отметил – “Узбекский хлопок отвечает лучшим международным стандартам, что удовлетворяет самый широкий спрос потребителей”.

Следуя стратегическому курсу на реформирование всех отраслей национальной экономики, в Узбекистане предпринят ряд кардинальных мер по совершенствованию деятельности в аграрном секторе.

В частности, для обеспечения продовольственной безопасности страны значительно сокращены посевные площади под хлопчатник, за счет чего расширились земли под зерновые, зернобобовые и другие сельскохозяйственные культуры.

Тем не менее, развитие хлопководства всегда было и остается в фокусе внимания руководства страны.

В числе первоочередных задач определено углубление процесса внутренней переработки хлопчатника.

Нахождение Узбекистана в числе ведущих экспортеров хлопка престижно. Но доходы от поставок на внешний рынок хлопкового волокна не шли в сравнение с тем, какую выгоду получали в тех странах, в которых из Узбекского хлопка получали полуфабрикаты, а тем более готовую продукцию.

Поэтому был взят курс на углубление внутренней переработки хлопка и ускоренное развитие текстильной промышленности.

Планомерная и целенаправленная работа даёт свои результаты. Если 5 лет назад перерабатывалось только 40% заготовленного в стране хлопкового волокна, то теперь показатель достиг 100%. Объём производства текстильной продукции по сравнению с 2016 годом увеличился в 5 раз, а экспорт вырос вчетверо, достигнув почти трёх миллиардов долларов.

Развитие текстильной отрасли, имеющей не только огромный экспортный потенциал, но и являющейся важнейшей для создания рабочих мест и решения вопросов занятости, требует прочной сырьевой базы. В то время, как перерабатывающие мощности достигли 1,3 миллиона тонн, в республике фактически производится один миллион тонн волокна. То есть для полной загрузки имеющихся мощностей не хватает 300 000 тонн волокна.

Ожидается, что в течение следующих пяти лет при нынешнем объёме производимого волокна этот показатель увеличится ещё на 600 000 тонн. Поэтому необходимо акцентировать внимание на увеличение производства хлопчатника, повышение урожайности этой важной технической сельскохозяйственной культуры. Один из главных путей для достижения

этой цели внедрение высокоурожайных, адаптированных к местным почвенно-климатическим условиям, устойчивых к болезням и сельхоз вредителям сортов хлопчатника.

Надо сказать, что отечественные селекционеры, используя источники мирового генофонда, применяя классические методы и современные приёмы селекции, внесли большой вклад в дело конструирования растений с заданными генетическими свойствами. Сорты интенсивного типа раздвинули границы потенциальной продуктивности многих возделываемых культур.

Отличительными особенностями «умных» сортов узбекской селекции являются их скороспелость, белизна, длина и выход волокна, устойчивость к заболеваниям и вредителям. Характерной чертой сортов интенсивного типа является сочетание высокой хозяйственной продуктивности с ограниченным развитием вегетативной массы, присущие скороспелым сортам.

За последние годы выведены и районированы такие скороспелые и «умные», устойчивые к водному дефициту и засолению сорта хлопчатника, как Султан, Бухара-102, Андижан-35, С-8290, Бухоро-10 (Сардор), Парлок-4, Наманган-34, С-8286, Сурхан-103, Сурхан-14, Сурхан-16, СП-1607, С-6775, Мангит-1, С-8295, Узпити-201, у этих сортов индекс урожая достигает 50-55%.

Это значит, что 50-55% от всей биологической массы растения составляет хлопок-сырец, тогда как у ранее районированных сортов, таких как 108-Ф, 175-Ф, Ташкент-1, Ташкент-2, Ташкент-3 и других индекс не превышал 40-45%.

С целью изучения адаптационных свойств разных сортов хлопчатника во всех областях были заложены широкомасштабные производственные опыты с 44-традиционно высеваемыми в регионах, а также новыми районированными и перспективными сортами.

Результаты исследований показали высокую адаптационную способность к различным почвенно-климатическим зонам таких сортов как Андижан-35, Бухара-6, Бухара-102, Наманган-77, С-6524, Султан. Их урожайность была на 3-4 центнера с гектара выше, чем у ранее высеваемых. Это послужило важным аргументом для замены старых сортов новыми.

Современные промышленные сорта хлопчатника, возделываемые в Узбекистане имеют период созревания от всходов до раскрытия 50 % коробочек 120-130 дней, а перспективные 100-110 дней.

Сравнительный анализ сведений сортов китайской, индийской, американской, израильской, болгарской селекции с нашими сортами показал конкурентоспособность узбекской селекции.

Большинство зарубежных сортов приспособлены к произрастанию в условиях короткого дня, с длинным вегетационным периодом, а в наших условиях длинного дня выращивания они образуют мощную вегетационную массу. Потому они используются в селекционном процессе в качестве исходного материала.

Тем не менее, согласно анализу состояния хлопководства, проведенному Международным координационным комитетом по хлопку, несмотря на наличие высокопродуктивных сортов, урожайность хлопка в азиатских и африканских странах всё ещё остаётся на низком уровне, из-за несоблюдения агротехники и многосортности, когда в каждом регионе вместо 1-2 высевается по 5-6 и более сортов.

Изменить ситуацию поможет создание инициированного главой государства Совета по хлопководству во главе с министром инновационного развития, который, в частности, будет ежегодно определять выведение и посев высокоурожайных и скороспелых сортов по регионам и кластерам.

Этот Совет будет разрабатывать схему внесения удобрений, адаптированную к климатическим и температурным изменениям, регулировать применение гербицидов и пестицидов.

На нём – разработка подходящих каждому региону агротехнологий для борьбы с вредителями хлопчатника. В этих целях при Совете будет создан научный центр.

Высокая потребность, направленная на создание сортов с высоким, генетически обусловленным потенциалом урожайности, и широкой адаптацией к неблагоприятным факторам среды, безусловно, скажется и на повышении отдачи каждого гектара.

За каждодневными заботами и хлопотами сельские труженики не должны забывать о главном – повышении плодородия земель. Причем не только за счёт разного вида удобрений.

